

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси

*Вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти*

***Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат
таълими кафедраси***

*Меҳнат таълими фани ўқитувчиларининг малакасини
ошириш курслари учун «Мутахассислик (ихтисос)
методикаси» дан*

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

2-қисм

Наманган – 2007 йил

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси

*Вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти*

*Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими
кафедраси*

*Меҳнат таълими фани ўқитувчиларининг малакасини
ошириш курслари учун «Мутахассислик (ихтисос)
методикаси» дан*

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

2-қисм

Наманган – 2007 йил

Маърузалар матни меҳнат таълими фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган давлат талаблари асосидаги ўқув-мавзу режага мувофиқ тайёрланди. Унда меҳнат таълими методикасининг долзарб масалалари ёритилган. Маъруза матнларидан меҳнат таълими методистлари, ўқитувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: Ҳ.Тожибоев - НВПҚҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси мудири.

Н. Мамажонов - НВПҚҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими ўқитувчиси

Такризчилар:

Ҳ.Ю.Мавлонов - НВХТПХҚТМОИ ректори, физика - математика фанлари номзоди, доцент.

С.Х.Абдуллаев - НамДУ проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ушбу маъруза матнлари НВПҚҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедрасининг 2006-йил 25-декабрдаги

йиғилишида муҳокама қилинган, институт илмий кенгашининг 2006-йил 27-декабрдаги 7-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Мавзу: Меҳнат таълими дарсларида машинашунослик элементларини уйғунлаштириб ўтиш методикаси. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Меҳнат таълимининг барча йўналишлари бўйича дарсларда машина элементлари ҳақида билимларни уйғунлаштириб ўқувчиларга етказиш методикаси ҳақида билим бериш.

Кўргазмали қуроллар: Машинасозликка оид плакатлар, станоклар, машиналар, турли хил узатмаларнинг макетлари, машина деталларидан намуналар.

РЕЖА:

1. ДТС асосидаги ўқув дастурида машина элементлари машғулотларини ўтказиш ҳақида.
2. Машинашунослик элементлари машғулотларини 5-7 синфларда ўтиш методикаси.
3. 8-9 синфларда йўналишлар бўйича машина элементлари машғулотларини ўтиш.
4. Машина элементларидан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган ДТС талаблари.

Меҳнат таълими бўйича ДТС да меҳнат таълимининг мақсади, халқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, турли хил асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, мосламалардан фойдаланишни, механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни ўргатишдан иборатлиги таъкидланади.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб ҳунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламаларга ишлов бериш

технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалиги асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган. ДТС асосидаги меҳнат таълимининг ўқув дастурига асосан 5-7 синфларда меҳнат таълими йўналишларига мос ҳолда уйғунлаштирилган машина элементлари машғулоти ўтказилади.

5-синф.

Машина деталларини тайёрланиши ва ишлатилиши.

Шакллантириладиган билимлар: Машина деталларининг турлари. Бир хил деталларнинг машина ва механизмларда қўлланилиши, замонавий машина, механизм ва деталларни тайёрлашда қўлланиладиган материаллар.

Амалий мустақил ишлар: турли механизмлардан деталларни ажратиш, уларнинг конструкциясини ўрганиш, хусусиятларини белгилаб олиш, габарит ўлчамларни аниқлаш, эскизларини чизиш, қайта йиғиш.

Резбали бирикма турлари ва улардан фойдаланиш асослари.

Шакллантириладиган билимлар: резбали бирикмаларнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифи ҳамда қўлланилиши.

Амалий мустақил ишлар: Резбали бирикмаларнинг турларини, бажарадиган вазифаларини, давлат стандартларини расмий меъёрий манбалар асосида ўрганиш.

Понали, шпонкали ва шлицали бирикмалардан фойдаланиш асослари.

Шакллантириладиган билимлар: Понали, шпонкали ва шлицали бирикмаларнинг вазифаси, тузилиши, ишлатилиши. Понали ва шлицали бирикмаларга таъсир этувчи кучлар ва уларни ҳисоблаш методикаси.

Амалий мустақил ишлар: Понали, шпонкали, штифт ва шлицали бирикмаларнинг 1-2 хили конструкцияларини ва ишлаш жараёнини ўрганиш.

Деталларнинг ажралмас бирикмалари ва улардан фойдаланиш асослари.

Шакллантириладиган билимлар: Деталларнинг ажралмас бирикмалари турлари, конструкциялар ва улар тайёрланадиган

материаллар. Парчинлаш, пайвандлаш, пресслаш ва бошқа ажралмас бирикмаларда таъсир этувчи кучлар, уларни ҳисоблаш методикаси.

Амалий мустақил ишлар: Парчинлаш, пайвандлаш, деталларни куч билан босиб бириктириш ва бошқа ажралмас бирикмаларнинг намуналарини ўрганиш ва аниқланган маълумотлар асосида реферат тайёрлаш.

6-синф.

Куч ва ҳаракатни узатиш, ўзгартириш ва тақсимлаш механизмлари.

Шакллантириладиган билимлар: Машиналарнинг ҳаракатларни узатиш механизмлари тўғрисидаги умумий маълумотлар. Машинада куч-ҳаракатларни тақсимлайдиган узатмалар, тузилиши, ишлаш тамойиллари, улар тайёрланадиган материаллар. Машинани электр узатмалар воситасида ҳаракатга келтириш. Узатмаларнинг тузилиши, турлари, ишлаш тамойили, улар тайёрланадиган материаллар, иш жараёнидаги асосий техник-технологик кўрсаткичлари.

Амалий мустақил ишлар: Электр, гидравлик пневматик ҳамда деталларни бир бирига бевосита тегадиган ҳолатдаги ишқаланиш тизими асосида ишлаб чиқилган узатмаларни деталларга ажратиш, уларнинг конструкциясини ва ишлатиш тартибини ўргатиш ва асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар асосида реферат тайёрлаш.

Фрикцион узатмалар.

Шакллантириладиган билимлар: Фрикцион узатмалар турлари конструкцияси, ишлаш схемалари ва тамойиллари. Функцион узатмаларнинг чидамлилигини ҳисоблаш.

Амалий мустақил ишлар: функцион узатмалардан деталларни ажратиш ва уларнинг конструкцияларини ўрганиш, функцион узатмаларнинг техник технологик кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш ишларини бажариш юзасидан реферат тайёрлаш.

Тасмали узатмалар.

Шакллантириладиган билимлар: Тасмали узатмаларнинг турлари, назарий асослари, тавсифи, кўрсаткичлари, улар тайёрланадиган материаллар.

Амалий мустақил ишлар: Тасмали узатмаларнинг ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган тортиш кучининг ишқаланиш коэффицентиға ҳамда кичик шкивнинг айланиш тезлигиға боғлиқлигини ўрганиш. Тасмалар тайёрланадиган материалларни танлаш. Шкив томонидан валға таъсир этувчи кучни ҳисоблаш.

Тишли узатмалар

Шакллантириладиган билимлар: Тишли узатмаларнинг асосий турлари, уларнинг қўлланиши, тишли ғилдиракларнинг тузилиши ва асосий кўрсаткичлари. Турли материаллардан тайёрланадиган тишли ғилдираклар ва уларни машиналарда қўлланилиши.

Амалий мустақил ишлар: Турли тишли узатмаларнинг бири-биридан фарқини аниқлаш. Тишли узатмалар моделини ва тишли ғилдирактарнинг тишлари турларини ўрганиш.

Металл тасмали (занжирли) узатмалар.

Шакллантириладиган билимлар: Металл тасмали узатмалар тўғрисида умумий маълумот, назарий асослари, уларни ҳисоблаш методикаси.

Амалий мустақил ишлар: металл тасмали узатмаларнинг турлари бўйича Давлат стандартларини ўргатиш. Металл тасманинг техник – технологик хусусиятларини ўргатиш.

7-синф.

Вал, ўқ ва муфталар.

Шакллантириладиган билимлар: Вал ва ўқларнинг вазифалари. Вал ва ўқларнинг умумий техник – технологик параметрлари бўйича қўлланиладиган ҳисоблаш усуллари. Вал ва ўқларда қўлланиладиган Давлат стандартлари. Муфталарнинг турлари, вазифалари ва ишлаш тамойиллари.

Амалий мустақил ишлар: Вал ва ўқларни бириктириш. Вал ва ўқнинг бир биридан фарқи, уларнинг чидамлилиги ва қаттиқлигини ҳисоблаш.

Подшипниклар ва силжийдиган мосламалар.

Шакллантириладиган билимлар: Подшипниклар ва силжийдиган мосламалар тўғрисида умумий маълумотлар. Подшипниклар тайёрланадиган материаллар, ишлаш жараёни.

Амалий мустақил ишлар: Подшипниклар турларини ўрганиш, техник-технологик кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Станина, плита, қути (коробка)лар.

Шакллантириладиган билимлар: Станина, плита ва коробкаларнинг вазифалари. Ўлчовларини аниқлаш усуллари.

Амалий мустақил ишлар: Станина, плита ва коробкаларнинг қўлланилиши ва уларнинг техник-технологик хусусиятларини ўргатиш.

8-синф.

8-синфда машина элементлари алоҳида бўлим сифатида киритилган бўлиб, унга 8 соат вақт ажратилган. Меҳнат таълимининг ҳар бир йўналиши бўйича машина элементлари бўлимининг мавзулари шу йўналишга мос ҳолда ўтилади.

9-синф.

9-синфда машина элементлари ишлаб чиқариш асослари бўлими таркибида ҳар бир мавзуга сингдирилган ҳолда уйғунлаштириб олиб борилади. Бунда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини, самарадорлигини, сифатини оширишда машина ва автоматлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда ЭХМ лардан, сонли ва дастурли, автомат ва ярим автомат дастгохлардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар берилади.

Умумий ўрта таълим якунида ўқувчилар машина элементларидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт.

- Машина деталларини тайёрланиши ва ишлатилиши. Машина деталларининг турлари, қўлланилиши.
- Резбали бирикмалар ва улардан фойдаланиш. Ажралувчи ва ажралмас бирикмалар ва улардан фойдаланиш соҳаларини билиш.
- Куч ва ҳаракатни узатиш, ўзгартириш ва тақсимлаш механизмлари, турли хил узатмаларни турлари ва қўлланилиш соҳаларини билиш.
- Вал, ўқ ва муфталар, уларни вазифаларини ва ишлатилиш соҳаларини билиш.
- Подшипниклар, силжидиган мосламалар, станина, плита, кути (коробка) ларнинг вазифалари ва қўлланилиш соҳаларини билиш.
- Меҳнат таълимининг ҳар бир йўналишлари бўйича қўлланиладиган машина, механизмларнинг тузилиш ва ишлаш тамойилларини билиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Т. «Шарқ» 1999 йил. 4-махсус сон.
2. А.И.Воробьев. «Меҳнат политехника таълими дидактикаси». Т. «Ўқитувчи». 1997 йил.
3. К.Д.Давлатов. «Меҳнат ва касб таълими-тарбиясидан амалий машғулотлар». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
4. С.Х.Абдуллаев. «Машина деталлари» маърузалар матни. НамДУ. 2000 йил.
5. Ш.Ё.Ўринбоев. «Ўқувчиларга машинашунослик элементларини ўқитишда уларни фикрлаш қобилиятларини шакллантириш» методик тавсия. Наманган. 1995 йил.

Тест саволлари.

1. Машина элементлари қайси синфларда ўқитилади?
 - А. 5-7синфларда тегишли мавзулар таркибида.
 - В. 8-синфда алоҳида бўлим сифатида.
 - С. 9-синфда тегишли мавзулар таркибида.

- D. Барча жавоблар тўғри.
2. 8-синфда машина элементлари бўлими учун неча соат ажратилган?
A. 6 соат. B. 8 соат. C. 10соат. D. 12 соат.
3. 8-синфда машина элементлари бўлимида қандай йўналишларда билим берилади?
A. Юк кўтариш машиналари.
B. Технологик машиналар.
C. Ёғочга ишлов бериш машиналари.
D. Меҳнат таълими қайси йўналишда ўқитилаётган бўлса ўша йўналишга оид машиналар.
4. Машина деталлари, бирикмалар ҳақидаги дастлабки билимлар қайси синфларда берилади?
A. 5-синфда. B. 6-синфда. C. 7-синфда D. 8-синфда
5. Куч ва ҳаракатни узатиш меҳанизмлари қайси синфларда ўқитилади?
A. 5-синфда. B. 6-синфда. C. 7-синфда D. 8-синфда

Мавзу: Меҳнат таълими дарсларида электротехник ишлар ҳамда таъмирлаш асосларини ўтиш методикаси.
(2 соат маъруза 2 соат амалий).

Мақсад: Электротехник ишлар ва таъмирлаш асослари бўйича ўқувчиларга билим ва кўникмаларни сингдириш методикаси ҳақида маълумот бериш.

Дарс жихози: Электротехникага оид плакатлар, электр арматуралар, ўтказгич симлар. Электр асбоблардан намуналар, электромонтаж асбоблари, хавфсизлик техникасига оид плакатлар.

РЕЖА:

1. Меҳнат таълими ўқув режасида электротехник ишларнинг ўрни.
2. Ўқувчиларга электротехник ишлар бўйича берилиши лозим бўлган асосий билимлар.
3. Уй-рўзғорда ишлатиладиган электр асбобларнинг турлари ва тузилиши.
4. Электр асбобларини таъмирлаш асосларини ўтиш методикаси.

Умумий ўрта таълимнинг ДТС да умумий ўрта таълим якунида ўқувчилар меҳнат таълимидан:

- уй-рўзғор электр асбобларидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш;
- электротехник меҳнат (уй-рўзғор электр асбобларини таъмирлаш) бўйича билим, кўникмаларга эга бўлишлари шарт эканлиги кўрсатилган.

Меҳнат таълимининг ДТС асосидаги ўқув дастурида эса ўқувчиларга меҳнат таълимининг ҳар бир йўналиши бўйича ишлатиладиган электротехника воситалари, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда таъмирлаш асослари ўргатилиши лозимлиги таъкидланади.

Демак меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларда электротехник ишлар ва таъмирлаш асослари ҳақида билимлар бериш орқали ДТС талаблари бажарилади.

Меҳнат таълими дарсларини қайси йўналишда олиб боришдан қатъий назар электротехник ишлар тегишли мавзулар таркибига сингдирилган ҳолда олиб борилиши керак.

Меҳнат таълимининг 2002 йилда РТМ томонидан ишлаб чиқилган ўқув режасида ёғоч ва металлга ишлов бериш технологияси йўналишларида электротехник ишлар учун 5-7 синфларда 6 соатдан дарс машғулотларини ўтиш кўрсатилган. Ўқувчиларга электротехник ишлар бўйича қуйидаги билимлар берилиши лозим:

1. Электр токининг манбалари ва истеъмолчилари.
2. Ўтказгичлар ва изоляторлар.
3. Электр занжири, электромонтаж ишлари.

4. Уй-рўзғор электр асбобларини тузилиши ва улардан фойдаланиш.

5. Уй-рўзғор электр асбобларини тузатиш, таъмирлаш асослари.

Шунингдек, электр токини саноатда, ишлаб чиқаришда, транспортда ва бошқа қатор соҳаларда иситиш, совутиш, ёритиш ва бошқалардаги аҳамиятини тушинтириш, уй-рўзғор электр асбобларидан фойдаланишда жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва хавфсизлик техника қоидаларига риоя қилиш лозимлигини, агар эҳтиётсизлик қилинса инсон ҳаёти учун хавфли эканлигини тушинтириш лозим.

Электр токининг манбалари.

1. Гальваник элементлар, аккумуляторлар.

2. ГЭС лар ва иссиқлик электр станциялари (ТЭЦ)

- 1948 йилда Сирдарёда «Фарход» ГЭС и ишга тушди.

- Фарғонада Қувасой, Тошкентда Ангрен, Тахятёш иссиқлик электр станциялари ишлаб турибди. Тошкент ва Навоийда табиий газдан фойдаланиб ишлайдиган йирик иссиқлик электр станциялари ишламоқда. Тошкент ГРЭС ини қуввати 1920 минг квт-соат.

- Сирдарёда йирик ГРЭС ишга туширилди, унинг қуввати 4400 минг квт-соат.

- Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Норин дарёсида Тўхтагул ГЭС лари қурилди. Чорвоқ ГЭС и 2 млрд квт-соат, Норак ГЭС и 11,64 млрд квт-соат электр энергия беради.

3. Атом электр станциялари. Атомнинг парчаланиш реакцияси (реакторда) натижасида жуда катта иссиқлик ажралиб чиқади. Сувни ҳарорати 300°C га кўтарилади ва буғ турбинасини айлантиради. 1954 йилда 1-мартда қуввати 5000 квт бўлган АЭС ишга туширилди.

Бундан ташқари тингловчиларга электр ўтказгичлар, истеъмолчилар, электр занжири, ўтказгичларни кетма-кет ва параллел улаш, уларни электр монтаж қилиш ва бошқалар ҳақида билимлар берилиши лозим.

Электромонтаж ишларини бажариш жараёнида ўқувчилар қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари шарт:

- электротехник ишларни бажаришда фақат ишга яроқли асбоблардан фойдаланиш;
- изоляция қопламаларини олиб ташлашда пичоқни ўзидан нарига қараб ишлатиш;
- электр занжири йиғишда изоляцияси шикасланмаган ўтказгичлардан фойдаланиш;
- симларни пухта улаш, уланган жойларни яхшилаб изоляциялаш.
- электр арматураларнинг яроқлилиги, контактларининг ишончли бириктирилиши, изоляциянинг мустаҳкамлиги ва шу кабиларни текшириб кўриш.
- йиғилган электр занжирини фақат ўқитувчининг рухсати билан электр тармоғига улаш;
- ток манбаи уланганда электр занжирнинг очик сим ва ток ўтказувчи деталларига тегмаслик. Занжирнинг носозликларини ток манбаи узулганда бартараф қилиш.

Электр асбоблари билан ишлаганда қуйидаги хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш керак:

1. Ҳўл қўл билан ушлаб шнур ва вилкани розеткага тикмаслик.
2. Шнурни яхшилаб текшириб кўриш, очик ери ва синган жойи бўлса фойдаланмаслик ва устага кўрсатиш.
3. Электр асбоблари билан ишлаганла оёқ тагига резина гиламча ёки ёғоч таглик қўйиш.
4. Электр асбобларидан нам ерда ва янги ювилган пол устида фойдаланмаслик.
5. Электр асбоби билан ишлаб бўлгач уни электр тармоғидан ажратиб махсус тагликка ёки жойга олиб қўйиш.

Уй-рўзғорда турли хил электр асбобларидан фойдаланамиз.

Электр дазмол.

Электр дазмоллар икки хил бўлади.

1. Автоматик терморегуляторли электр дазмол.
2. Автоматик терморегуляторли ва намлагичли электр дазмол (дазмолларни тузилиши ва ишлаш тамойиллари ҳақида билим берилади, дазмолни қисмларга ажратиб, қайта йиғилади, носозликлари бартараф қилинади).

Дазмол билан ишлаганда қуйидаги хавфсизлик техника қоидаларига риоя қилинади:

1. Дазмол шнурини текшириб кўринг, шнурни буралган ерларини текислаб қўйинг.
2. Шнурни, вилкани, розеткани очик ери бўлса ёки синган бўлса бундай дазмолдан фойдаланманг, устага кўрсатинг.
3. Хўл қўл билан шнурни ушлаб розеткага тикманг.
4. Хўл полда ёки нам ерда туриб дазмол қилманг, оёқ тагига резина гиламча ёки қуруқ ёғоч таглик қўйиб ишланг.
5. Дазмолни махсус тагликка қўйинг, шнури осилиб турмасин.
6. Дазмоллашни дазмол тахтада ёки хонтахтада бажаринг.
7. Дазмоллаб бўлгач дазмолни ток манбаидан узиб, махсус ерга олиб қўйинг.

Электр асбобларини таъмирлашни пухта ўрганиб олинса моддий ва маънавий жихатдан яхши бўлади. Бунинг учун шу асбобларни тузилиши ва ишлашини яхши билиб олиш керак. Уй рўзғорда ишлатиладиган электр асбоблардан яна бири электр плиткadir. Электр плиткалар бир ва икки комфоркали бўлади. Электр плиткалар асосан 220 вольтли кучланишга мўлжаллаб ишлаб чиқарилади. Унинг спирали 800, 1000, 1200, 1500 ватт қувватга эга бўлиши мумкин. Бундай маълумотлар плитканинг паспортида ёзиб кўрсатилади.

Янги олинган электр плиткани ишлатишдан олдин унинг паспорти билан танишиш керак. Шундан кейин плитканинг созлигини, шнури ва вилкаси яхши эканлигини текширилади. Ўқитувчининг рухсати билан плиткани қисқа вақт ток манбаига улаб узилади ва исиши қўл билан кўрилади. Агар плитка исимаса унинг қаеридадир носозлик бор. Спирали узилиши, шнур узилиши ёки вилкада носозликлар бўлиши мумкин. Буни плиткани қисмларга ажратиб-йиғиш орқали бартараф қилинади.

Электр қурилмалари билан ишлашда хавфсизлик техникаси.

Электр токи билан шикастланиш хавфи.

а). Электр токининг кишига таъсири.

Электр токидан эҳтиёт бўлиб фойдаланилмаса кишининг соғлигига жиддий зарар етказиши, ҳатто ўлдириши мумкин. Киши танаси электр токини яхши ўтказди. Электр токи киши танаси орқали тутшиб унинг тери ва мускулларини ҳамда ички аъзоларини шикастлаши мумкин. Тана ташқи қисмларининг шикастланиши (терининг куйиши, тўқималарнинг узилиши) **электр жароҳат** дейилади. **Электр зарба** киши ички аъзоларини шикастлайди, нерв, юрак ва нафас олиш системаларига жиддий шикаст етказди.

б). Шикастлайдиган токнинг катталиги.

Токнинг кучи 0,1 А. га тенг бўлганда кишини ўлдириши мумкин. кучланиш ортиши билан хавф ҳам ортиб боради. 36-40 вольтдан юқори кучланиш одамга шикаст етказиши мумкин.

Электр токи билан шикастланиш хавфи бўлган манбалар.

а). Токли қисмларга тегиб кетиш хавфи.

Изоляцияланмаган симлар, қисқичлар, рубилниклар, электр ускуналарнинг қисмлари. Токли қисмларга тегиб кетиш икки хил бўлади: бир қутбли ва икки қутбли тегиб кетиш.

б). Корпусга туташиб.

в). Қолдиқ заряднинг хавфлилиги. Конденсаторлар, кабель линияларда қолдиқ заряд бўлади.

Электр токи билан шикастланишдан химоя қилиш.

а). Химоя тўсиғи билан ўраб қўйиш.

б). Ўтказгичларнинг очиқ қисмларини ихота қилиш (қапқоқ ёки кути билан ўраш).

в). Ерга ва ноль симга улаш.

г). Химоя воситалари:

- резина таглик, гилам, калиш, қўлқоплар;
- асбоблар: омбирлар, монтёрлик асбоблари;
- кучланиш кўрсатувчи асбоблар: индикаторлар, контрол лампочкалар.

Химоя воситалари вақти-вақти билан текшириб турилади.

Электр қурилмаларини ерга улаш.

Қуйидаги ҳолларда электр қурилмаларини ерга уланиши шарт:

а). Кучланиш 500 вольт ва юқори ҳолларда.

б). 36 вольтдан юқори ўзгарувчан ток ва 110 вольтдан юқори ўзгармас ток бўлган хавфли ва ташқаридаги электр қурилмаларда.

36 вольтдан паст ўзгарувчан ва 110 вольтдан кам ўзгармас ток билан ишлайдиган қурилмаларни ерга улаш талаб қилинмайди.

Қуйидагилар ерга уланади:

а). Электр машина, трансформатор, аппаратлар, ёриткичлар ва бошқаларни корпуслари.

б). Электр аппаратларнинг узатмалари.

в). Трансформаторларни иккиламчи чўлғами.

г). Тақсимлаш шчити қутиси, электр қурилмалар ўрнатилган металл конструкциялар.

д). Электр қабул қилгичларни металл корпуслари.

Ерга бир неча металл қозиклар қоқилиб, улар бир-бири билан сварка ёки болт ёрдамида уланади. Йилда бир марта таъмирланиб, қаршилиги текшириб турилади. Қаршилиги 4 Ом дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Электр токи билан шикастланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш.

а). Ток урган кишини ток таъсиридан қутқариш.

Ток таъсирида турган кишига тегиш хавфли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак. Ёрдам кўрсатувчи киши қуйидаги эҳтиёт чораларига амал қилиши зарур:

1. Шикастланган кишини ток таъсиридан қутқариш учун унга энг яқин турган рубильникни узиш зарур.
2. Агар рубильникни тездан узиш мумкин бўлмаса шикастланган кишини ток таъсиридан ажратиш учун қутқарувчи киши резина қўлқоп кийиши ёки қўлига шарф ўраши, енгини қўлига тушириши, агар имконият бўлса оёқ остига қуруқ тахта қўйиши керак. Қутқариш вақтида бир қўл билан иш кўриш тавсия этилади.

Кучланиш 400 вольтдан паст бўлса симларни қисқа туташтириш ёки симларни дастаси куруқ ёғочдан ясалган болта билан кесиб ташлаш керак.

б). Сунъий нафас олдириш.

Ток урган киши ҳушидан кетиши, томири урмай қолиши, нафас олмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда нафас олиш процессини қайта тиклаш учун шошилиш чоралар уўриш керак.

1-усул (1 киши бўлганда).

Шикастланган кишининг юзини бир томонга қаратиб қорни билан ётқизилади. Бошини бироз кўтариш учун бир қўлини бошини тагига қўйилади. Ёодам кўрсатувчи киши тиззаси билан туриб, шикастланган кишининг пастки қобирғаларига уларни бармоқлари билан ён томондан ушлаган ҳолда қафтларини қўйиб, бир меъёрда (минутига 15 марта) эзиш керак.

2-ҳолда шикастланган кишини оғзига минутига 10-12 марта пудаш керак.

2-усул (икки киши бўлганда).

Шикастланган кишини чалқанча ётқизилади. Боши бироз пастроқ туриши керак. Сунъий нафас олдирувчи киши тиззаси билан шикастланган кишининг бош томонида туриб навбат билан қўлларини бир кўкрагига қўяди, бир юқорига узатади (минутига 15 марта). Иккинчи киши шикастланган кишининг тилини тортиб туради. Сунъий нафас олдиришни то врач келгунча тўхтовсиз давом эттириш керак. қон айланишини таъминлаш учун юракни массаж қилиш керак. Бунинг учун кўкрак қафасини минутига 60-70 марта босиш керак. Ток урган кишини балчиққа кўмиш мутлақо мумкин эмас.

Электр асбоблари билан ишлашда риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидалари.

1. Ўқув устахонаси машғулотида электр токи билан ишлайдиган электр асбобларидан фойдаланиш шу асбоб билан ишлашни биладиган, маълум тайёргарликка эга бўлган

- ўқувчиларга ўқитувчининг рухсати билан ва унинг назоратида ишлашга рухсат берилади.
2. Ўқувчи электр асбобидан фойдаланиш қоидаларини, ҳар бир асбобнинг узига ҳос хусусиятларини урганиши, унга инструкцияни ўзлаштиргани тўғрисида ўқитувчи томонидан рухсатнома берилиши лозим.
 3. Ўқитувчи ўқувчилар ишлатадиган барча электр асбобларини аввал ўзи кўздан кечириши ва симларнинг бутунлиги, ерга улангани ва электр асбобининг тўғри ишлаётганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Т. «Шарқ» 1999 йил. 4-махсус сон.
2. А.И.Воробьев. «Меҳнат политехника таълими дидактикаси». Т. «Ўқитувчи». 1997 йил.
3. Т. Рахимов. Электротехника. Т. «Ўқитувчи» 1993 йил.
4. Осторожно – электричество.
5. Охрана труда и техника безопасности в общеобразовательной школе. Москва. «Просвещение». 1985 г.
6. Введение в электробезопасность. Москва «Профиздат» 1991 г.

Тест савоолари

1. Турмушда ишлатиладиган электр токининг кучланиши неча вольтга тенг?
1.110вт. 2.127 вт. 3.200 вт. 4.220 вт.
2. Узгарувчан ток билан ишлайдиган электр қурилмасини қандай кучланишига ерга улаш талаб қилинмайди?
1. 24 В. 2. 36 В. 3. 42 В. 4. 50 В.
3. Агар ток ўтаётган усти очик сим узилиб одамни устига тушиб «ток урса» бу одамни ток таъсиридан қандай қутқариш керак?
 1. Электр токини учуриб қутқариш
 2. Қулидан тортиб қутқариш
 3. Ёғоч билан симни уриш
 - 4 Қуруқ ёғоч билан симни олиб ташлаш керак

4. Нима учун электр қурилмаларининг металл корпуслари ерга улаб қўйилади?
 1. Электр қурилма яхши ишлаши учун
 2. Электр қурилма куймаслиги учун
 3. Электр қурилма корпусга ток яхши келиши учун
 4. Электр қурилма корпусига ток утиб колса
5. Электротехник ишлар қайси синфларда ўқитиш режалаштирилган?
 1. 5-7 синфларда ҳамма йўналишларда.
 2. 5-7 синфларда ёғоч ва металлга ишлов бериш йўналиши
 3. 5-9 синфларда газламага ишлов бериш йўналишида.
 4. 8-9 синфларда ҳамма йўналишларда.
6. Оддий электр занжири қандай қисмлардан иборат бўлади?
 1. Ток манбаи, включатель, истеймолчи, ўтказгичдан.
 2. Лампочка, патрон, вилка, включателдан.
 3. Ток манбаи, патрон, розетка, ўтказгичдан.
 4. Трансформатор, розетка, патрон, вилкадан.
7. Электр токи билан шикастланишдан ҳимоя қилувчи воситаларга нималар киради?
 1. Резина таглик, калиш, қўлқоплар.
 2. Индикатор, контрол лампочкалар.
 3. Сув, кўмир, ёғоч.
 4. 1-2 жавоблар тўғри.
8. Электр плиткани ток манбаига улаганда ишламаса уни қандай текшириб кўрилади?
 1. Ток манбаидан узмасдан, спирални улаш керак.
 2. Ток бор ёки йўқлигини ушлаб кўриб билиш мумкин.
 3. Ток манбаидан узиб, носозликларни бартараф этиш керак.
 4. Тўғри жавоб йўқ.

Мавзу: Меҳнат таълими машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишда риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидаларини ўргатиш методикаси.

(4 соатлик маъруза).

Мақсад: ДТС талаблари асосида ташкил қилинган меҳнат таълими ўқув устахоналарида ўқувчиларга ҳавфсиз меҳнат шароитини яратиш бўйича меҳнат таълими ўқитувчиси ҳамда устахона мудирининг вазифаларини тушунтириш.

Дарс жихози: Ҳавфсизлик техникасига оид плакатлар, ҳимоя воситалари, ўқув кинофилми.

РЕЖА:

1. Меҳнат таълимидан амалий машғулротларни ўтказиш методикаси
2. Ўқув устахоналарига бўлган талаблар.
3. Устахонани ёритиш ва шамоллатишга бўлган талаблар.
4. Станокларда ишлашда меҳнат муҳофазаси.
5. Иш ўрнини ташкил этишга бўлган талаблар.
6. амалий машғулротларни ўтказишда ўқитувчининг вазифалари.

Меҳнат таълимидан амалий машғулротларни ўтказиш методикаси.

Меҳнат таълими устахоналари ҳар бир ўрта ва бошланғич мактабда ташкил этилади. Уларга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- тасдиқланган дастур асосида 1-9 синф ўқувчиларининг меҳнат таълими дарсларини ўтказиш.
- меҳнат таълими бўйича факультатив машғулротлар ўтказиш.
- техник, бадий-амалий тўғараклар ва ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича клуб ишлари.
- 8-9 синфларнинг касб танлаш машғулротларини ўтказиш.

Умумий таълим мактабларида қуйидаги таълим устахоналари ташкил қилинади:

- 1-4 синфлар ўқувчиларининг меҳнат таълими дарсларини ўтиш учун қў меҳнати хонаси (қоғоз, картон, газлама, платилин дан буюмлар тайёрлаш ўргатилади).
- 5-9 синфларда меҳнат таълими йўналинлари бўйича устахоналар ташкил этилади. махсус умумий таълим

мактабларида ва мактаб интернатларда мазкур мактаблар тўғрисидаги қоидага мувофиқ равишда бошқа профилдаги таълим устахоналари ташкил қилиниши мумкин.

Таълим устахоналари станоклар, асбаб ускуналар билан жиҳозланади, шунингдек кўргазмали ўқув қуроллари ўқитишнинг техника воситала, техник ва технологик хужжатлар билан таъминланади.

Таълим устахоналарида ўқувчиларнинг шахсий ва коллектив равишда ишлаш жойлари, ўқитувчининг иш жойи бўлиши керак. устахонада ишчи ўрни 5-9 синф ўқувчиларининг гуруҳларга бўлинишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўқитувчининг иш ўрни тахминан 3600x2000x200 мм баландлик ва кенгликда бўлиши керак.

Ўқув устахонасида ҳавфсизлик техникаси қоидалари, материалшунослик, касб танлаш бўйича стентлар, плакатлар, схемалар бўлиши керак. Устахонада ўқувчилар тайёрлаган буюмлардан доимий кўргазмалар ташкил қилинади.

Устахона деворларини, асбоб ускуналарни бўяшда техника эстетикаси ва ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш, ҳавфли участкалар тўсиқ билан ўралиши, ҳавфсизлик сигнали ва белгилар ўрнатилиши керак.

Медицина кўригидан ўтган ва жисмоний меҳнатга лаёқати бўлган болаларга таълим устахоналарида ишлашга рухсат этилади.

Ўқувчилар устахонада барча ишларни махсус кийимда бажарадилар.

Устахоналарни машғулотлар ўтказиш учун яроқлилиги тўғрисидаги ҳулова мактабни янги ўқув йилига тайёрлигини текширувчи комиссия томонидан чиқарилади.

Мактаб маъмурияти устахонани қайти жиҳозлаш, уни янги жиҳозлар, асбоб ускуналар, мосламалар билан бойитиб борилиши, уларга техник хизмат кўрсатилиши тадбирларини кўриб боради. Мактаб буйруғи билан устахона мудури белгиланади.

Ўқув устахоналарига бўлган талаблар.

Ўқув хоналарининг бинолари, улардаги жихозлар ва механизмларнинг жойлаштирилиши санитария нормаларига мос келиши керак.

Ўқув устахоналари мактаб биносининг 1-қаватига ва ён қисмига жойлаштирилиши мумкин.

Мактаб биносида жойлаштирилган ўқув устахоналари ёндаги ва иккинчи қаватдаги хоналарига овоз ўтказмайдиган қопламалар билан тўсилган бўлиши керак.

Ўқув устахоналари ёруқ, иссиқ ва қуруқ бўлиши керак. Ер тўла ва ярим ертўлаларда устахоналар ташкил қилиш таъқиқланади.

Ўқув устахоналарининг сахни нормада кўрсатилганига мос келиши керак. Агар ёғочга ишлов бериш ва металлга ишлов бериш устахоналари алоҳида-алоҳида бўлса ҳар бир устахонанинг сахни 70 м² гача бўлиши керак. Комбинацияланган устахонанинг сахни эса 90 м² гача бўлиши керак. Асбобнинг сахни 15-20 м² бўлади.

Совуқ вақтларда намлик ва ҳарорат нормал бўлиши керак. Металлга ишлов бериш устахонасида 15-16⁰ С, ёғочга ишлов бериш устахонасида 14-15⁰ С ҳарорат бўлиши керак. Ўқув устахоналарини иситиш учун чўян печлардан ва электр иситгичлардан фойдаланиш таъқиқланади. Станокларнинг корпуслари ерга уланиши керак.

Агар устахонанинг поли ёғочли бўлмаса электр асбоблар ва станокларнинг олдида панжарали таглик қўйиши керак.

Устахонада 20 % ўқувчи хисобига қўл ювадиган, совун, сочиқ, бўлиши керак.

Устахонада тоза ичимлик суви бўлиши керак.

Ўқув устахонасида биринчи тиббий ёрдам бериш учун дори дармонлар боғлаш материаллари билан таъминланган аптечка бўлиши ҳамда унинг ёнига яқин орадаги тиббий муассасанинг телефон номери ва манзилгоҳи ёзиб қўйилиши керак.

Ўқувчиларнинг уй кийимларини ечиб иш кийимларига алмаштириш учун кийим шкафи бўлиши керак.

Устахонани ёритиш ва шамоллатишга бўлган талаблар.

Устахонанинг табиий ва сунъий ёруғлиги нормада кўрсатилган талабларга мос бўлиши керак.

- Ёғоч ва металл ишлаш устахонасида 300вт-люменисцент ёки 150вт-чўғланма лампа билан;
- Тикувчилик устахонасида 400вт-люменисцент ёки 200вт-чўғланма лампа билан ёритилиши керак.

Ёруғлик тушадиган деразаларни тўсмаслик керак.

Дераза ойналари бир йилда камида икки марта артиб тозаланиши керак. Дераза ойналарини ювишга (қайси қаватда бўлишидан қатъий назар) хатто юқори синф ўқувчиларини жалб этиш ман этилади.

Махаллий ёритгичлар 45 в дан ошмаган кучланиш билан таъминланиши керак. Ёритиш лампалари камида бир ойда икки марта артиб турилиши керак. Умумий ёритиш лампаси полдан 3 м баландликда бўлиши керак.

Ўқув устахоналари вентиляция ва иситиш жихозлари билан таъминланган бўлиши керак. Вентиляция табиий, механик ёки аралаш бўлиб хаво алмашишини таъминлаши керак.

Станокларда ишлашда меҳнат муҳофазаси.

Устахонадаги ҳамма жиозлар, станоклар, машиналар ишга яроқли ва махкамланган бўлиши керак.

Жихозлар (станок, машина, механизм, дастгоҳ ва бошқалар) нинг жойлаштирилиши қоида кўрсаткичларига мос келиши керак.

Узатмалар химоя тўсиқ билан ўралга бўлиши керак.

Барча станокларда хавфсизликни таъминловчи мосламалар ва тўсиқлар бўлиши керак.

Жихозлар яшил, қизил рангга бўяб қўйилади.

Жихозларни ишга яроқлилиги ва ҳолати, химоя тўсиқлари ишни бошлашдан олдин мастер, инструктор ёки ўқитувчи томонидан текшириб чиқилади. Носоз асбоб, жихоз билан ишлаш таъқиқланади.

Станокларни юргизиш ва тўхтатиш (пуск, стоп) учун марказлашган рубильник бўлиши ва ўқитувчининг иш жойи яқинида бўлиши керак.

Стоп тугмаси қизил рангда ва панелдан камида 3 мм чиқиб туриши керак.

Қиринди, кесинди, чанглар (жихозлардан) илмоқ, чўтка, супурги ва бошқалар билан тозаланиши, бу вақтда станоклар ўчирилган ҳолатда бўлиши керак.

Станокларни қисмларини вақти-вақти билан мойлаб туриш (бу ишлар станоклар ўчирилган ҳолда бажарилади) керак. Станоклар ишлаб турганда ремонт қилиш таъқиқланади.

Ремонт ишлари электр токи узиб қўйилгандан кейин, тасмаларни олиб қўйиб бажарилиши керак. Бошқариш қурилмалари олдида ремонт ишлари бажарилаётгани ҳақида огохлантирувчи плакат осиб қўйилади.

Иш ўрнини ташкил этишга бўлган талаблар.

Ўқувчининг иш ўрни ҳавф-хатарсиз ишлаш учун мослашаган бўлиши керак. Ҳар бир иш ўрни ўтиргич, мосламалар билан жихозланган бўлиши керак. Иш ўрни кераксиз нарсалар билан тўсилмаслиги керак.

Мактаб раҳбари, устахона мудир, меҳнат таълими ўқитувчиси:

- а) Ўқувчиларни яроқли асбоблар билан таъминлаш.
- б) Асбоблар тўғри чархланганлигини назорат қилиш.
- в) Меҳнат меъёрларини (усулларини) тўғри бажаришни назорат қилиш
- г) Асбоблар махсус яшиқда, столда туриши керак.

Тиска ўрнатиладиган дастгохнинг кенглиги камида 0,75 м бўлиши, тиска ўқларини орасидаги масофа камида 1 м.га ўрнатилиши керак.

Ҳимоя тўсиғини баландлиги 1 м, кэтма кўзининг кенглиги 3 мм² дан катта бўлмаслиги керак.

Дастгохлар орасидаги масофа нормада кўрсатилганича бўлиш керак.

Устахона жихозларини жойлаштириш:

Ўқитувчининг иш ўрни хонага киришга яқин жойлаштирилади.

1. Доска, ўқитувчи ўрни ҳамма иш жойидан яхши кўриниши керак.

2. Слесарлик дасгоҳи жойлашиши:

- дастгоҳлар оралиғи камида - 80 см.
- қаторлар оралиғи камида - 100 см.
- станоклар билан дастгоҳ оралиғи - 90 см.
- чётки тиска билан девор оралиғи - 70 см.

3. Дурадгорлик дастгоҳи:

- дастгоҳлар оралиғи - 65 см.
- қаторлар оралиғи - 70 см.

4. Механик жихозлар ўқитувчи иш жойига яқинроқ ўрнатилади. Токарлик фрезерлаш станоклари дераза олдида девордан 40-50 см масофада ўрнатилади.

5. Чархлаш станогини бошқа станоклардан узоқроқ ўрнатилади.

6. Циркуль арра ва рандалаш станогини ёрдамчи хонага ўрнатилади, олд ва орқасида 2 метр жой бўлиши керак.

7. Ҳамма асбоблар созланган, ишга яроқли, хавфсизлигини таъминланган бўлиши керак.

8. Ўқувчилар оғир юкларни кўтаришларига йўл қўйилмайди. Бунинг учун юк кўтариш маҳанизмларидан фойдаланилади.

15 ёшли ўғил болалар - 8,2 кг

қиз болалар - 5,0 кг

16-18 ёшли ўғил болалар - 16,4 кг

қиз болалар - 10,2 кг

9. Махсус кийим: халат ёки фартук кийиш, химоя кўзойнагини бўлиши керак. Устахона мудирининг индивидуал химоя воситаларини сақланиши, фойдаланиши, яроқлилигини кузатиб боради.

Ўқувчиларнинг амалий машғулотларни ўтказишда ўқитувчининг вазифалари.

1. Устахона мудир ва меҳнат таълими ўқитувчиси ҳавфсизлик техникаси қоидалари ва ишлаб чиқариш санитариясини яхши бўлиши ва ўқувчиларга тушунтириб бориши керак.
2. Бирор ишни бошладан олдин ўқитувчи (уста) иш жараёнини тушунтириши, станок, машина, асбоб-ускуналар билан муомала қилиш ва ҳавфсизлик техникаси қоидаларини тушунтириши лозим.
3. Ўқувчиларга ҳавфсизлик техникаси қоидалари бўйича инструктаж беришга рухсат бериш таъқиқланади.
4. Ўқувчиларни ҳавфсизлик техникаси қоидалари билан таништирилганлиги махсус журналга қайд қилиб берилади ва ўқувчига имзо қўйилади.
5. Ўқув устахонасида ҳавфсизлик техникаси бурчаги бўлиши ва ва ҳавфсизлик техникаси қоидалари ёзиб қўйиши, плакатлар қўйилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Д.Тхоржевский. «Меҳнат таълими методикаси». Тошкент. «Ўқитувчи» 1990 й.
2. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури». 1999 й. 4-сон.
3. К.Давлатов. «Меҳнат ва касб таълими тарбиясидан амалий машғулотлар». Тошкент. «Ўқитувчи». 1995 й.
4. О.Эшонов. «Меҳнат ва касб таълими методикаси» маърузалар матни. НамДУ. 2001 йил.
5. Охрана труда и техника безопасности в общеобразовательной школе. Москва. Пресвеҳении.

Тест саволлари.

1. ДТСга асосан мактабларда меҳнат таълимидан қандай устахоналар ташкил қилинади?
 А. Аралаш устахоналар.
 Б. Фақат бир ҳил йўналишдаги устахоналар.
 В. Икки ҳил йўналишдаги устахоналар.
 Г. Кўп ҳил йўналишдаги устахоналар.
2. Ҳавфсизлик техника қоидаларига кўра ФПШ-5 дастгоҳи устахонанинг қайси жойига ўрнатилади?

- А. Хонанинг кираверишига. Б. Хонанинг ўртасига.
 В. Ўқитувчининг яқинига. Г. Бошқа қўшимча хонага.
3. Мактаб биносининг қайси қаватларига ўқув устахоналари ташкил этишга рухсат берилган?
 А. Ертўла ва ярим ертўлаларга.
 Б. Бинонинг биринчи қаватига.
 В. Бинонинг юқори қаватига.
 Г. Мактаб биносидан ташқаридаги мослаштирилган бинода.
4. Ўқув устахоналарини қандай печлар билан иситишга рухсат берилади?
 А. Ҳоҳлаган печ билан. Б. Электр печ билан.
 В. Голланд печ билан. Г. Чўян печ билан.
5. Ўқув устахонасидаги аптечкалар нима учун керак бўлади?
 А. Бош оғриғига дори ичиш учун.
 Б. қўлни кесиб олганда боғлаш учун.
 В. биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун.
 Г. аптечка бўлиши шарт эмас.
6. Электр қурилмаларини қандай кучланишгача ерга улаш талаб қилинмайди?
 А. 36 в. Б. 42 в. В. 110 в. Г. 150 в.
7. Устахона деразасининг ойналари қанча вақт оралиғида артиб туриш керак?
 А. Йилда 1 марта. Б. Йилда 2 марта.
 В. Икки йилда 1 марта. Г. Артиш шарт эмас.
8. Ўқитувчининг иш ўрни хонанинг қаерига жойлаштирилади?
 А. Эшикдан кираверишга. Б. Хонанинг тўрига.
 В. Дераза олдида. Г. Ҳоҳлаган қулай жойга.

Мавзу: Меҳнат таълими машғулотида чизмалар ва график тасвирлардан фойдаланиш. (2 соат маъруза, 2 соат амалий).

Мақсад: Меҳнат таълими дарсларини ўтиш жараёнида ўқувчиларга чизмаларни ва бошқа график тасвирларни бжариш йўллари тушунтириш.

Кўргазмали қуроллар: Чизмалар, техник жихоз, эскизлар, модалар, технологик карталар.

РЕЖА:

1. Меҳнат таълими дарсларида чизмалар ва бошқа график тасвирлардан фойдаланиш.
2. Чизмани ўқиш ва чизиш қоидалари.
3. Чизма, эскиз, техник расмлар чизиш (амалий машғулот).

Ўқувчиларга чизмани ўқиш ва чизишни ўргатиш учун уларда график билим элементларини ҳосил қилиш зарур.

Ўқувчиларнинг график билим элементлари билан танишишлари чизмаларни ўқишни ўргатишдан бошланади. Устахонадаги машғулотларда техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилади. Ишни техник расмдан бошлаш, ўқувчиларнинг расм солиш бўйича олган билимларига таяниш буюмнинг график тасвири ҳақида тезроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ўқувчилада буюмнинг шакли ва ҳақиқий ўлчамлари ҳақидаги тасаввур аниқ бўлиши учун уларга техник расм билан бирга буюмнинг ўзини ҳам кўрсатиш керак. Ўқувчилар техник расмни ўзлаштирганларидан кейин эскиз билан танишишга ўтилади. Бунда ҳам буюмнинг тайёр намуналарини кўрсатиш лозим.

Чизмаларни ўқишга ўргатишнинг иккита усули маълум. Уларнинг биринчисиди чизмага ўқувчилар жавоб қайтариши лозим бўлган саволлар рўйхати илова қилинади. Саволлар ўқувчи жавоб топиши учун чизмани ўрганишга, уни таҳлил қилишга мажбур бўладиган йўсинда тузилади. Бу усул умумий таълим мактабларида қўлланилади. Бунда ўқувчилар чизмани босқичма-босқич ўқийди ва уни таҳлил қилади.

Иккинчи усул ўқувчиларнинг маълум тартибда ва муайян режа бўйича чизмани ўрганишлари ҳамда унинг мазмунини таҳлил қилишларига асосланган бўлиб, бу иш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Чизма билан умумий танишиш.

2. Чизмани асосий ёзуви ва габарит ўлчамларини, деталнинг номи, материали, масштабини ўқиш.
3. Тасвирларни, деталнинг умумий шакли, детал элементларининг шакллари ўқиш.
4. Ўлчамлар, шартли белгилар, ёзувларни, техник талаблар ва кўрсатмаларни ўқиш.

Чизмада деталнинг тасвири билан бирга технологик жараёни ташкил қилиш ва буюмни ишлаш учун қўшимча маълумотлар ҳам бўлади. Шунга кўра чизмани ўқишни ўргатиш – ўқувчиларга фақат тасвирланган буюмнинг фазодаги шаклини тасаввур этишни эмас, балки уни тайёрлаш ва текшириш учун керакли барча маълумотларни аниқлашни ҳам ўргатишдир.

Ўқитувчи чизмаларни ўқишни ўргатишда аввал тайёр буюм (детал) ни намоиш қилади ва ундаги элемент-ларнинг номларини айтади. Тайёр буюмлар сифатида содда шаклли буюмларни, масалан, ёғоч таглик, яшиқ девори ва хоказоларни олиш тавсия этилади. Буюмлардаги текислик, торец, қирра каби элементларни сўнгра деталнинг олдидан, юқорисидан ва чап томонидан кўринишлари ҳақида маълумот беради. Шундан сўнг буюмнинг чизмасини кўрсатиб, уни юқорида келтирилган режа бўйича қандай ўқиш кераклигини тушунтиради.

Ўқувчилар чизманинг масштабини аниқлашда табиатшунослик дарсларида ҳамда географик карталардаги масштабларни ўрганишда олган билимларига таянадилар. Ўлчамлар шартли белгилар ва ёзувлар энг охирида ўқилади. Бунда мактаб устахоналаридаги машғулотларда фойдаланилган иш чизмалари ГОСТ нинг ҳамма қоидаларига мувофиқ чизилган бўлиши керак.

Чизмаларни муайян режа бўйича ўқиш усулидан фойдалани ўқувчилар олдига савол-топшириқлар қўйишни инкор этмайди. Дастлабки саволлар аниқ мазкур деталнинг шаклига тааллуқли, маслан: шпонка ариқчаси чап торецдан қанча ораликдан бошланади?, фаска пластинкада қандай бурчак остида олинган? Каби бўлиши керак. Ўқувчилар габарит ўлчамлар, деталнинг элементи, техник шартлар каби тушунчалар билан тинчиганларидан

кейин саволларни умумлашган ҳолда. Масалан, мазкур детални тайёрлашнинг техник шартларини айтинг, чизмада ифодаланган деталнинг габарит ўлчамларини кўрсатинг ва хоказо тарзида қўйиш мумкин.

Ўқувчилар чизмани ўқиш малакаларини ўзлаштиришда чизмачиликда қабул қилинган шартли белгилар билан ҳам таништирилиши керак. Бу эса чизмалар тузишин ўрганиш учун зарур.

Ўқувчилар амалий ишда фойдаланиладиган чизмаларни тузсалар уларнинг фаоллиги ва меҳнат топшириқларига қизиқиши ортади. Бу чизмалар айниқса моделлаштириш жараёнида жуда зарурдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури». Таълим тараққиёти – 4-сон. 1999 йил.
2. Д. Тхоржевский. «Меҳнат таълими методикаси». Тошкент. 1990 йил.
3. А. Варобъёв. «Меҳнат таълими методикаси». Тошкент. 1992 йил.
4. С. Булатов. «Ўзбекистон халқ амалий безак санъати». Тошкент. 1992 йил.
5. А. Умрохўжаев. «Техникавий графика асослари». Тошкент. «Ўқитувчи». 1998 йил.

Тест саволлари.

1. Чизма деб қандай график тасвирга айтилади?
 1. Кўз билан чамалаб чизилган расмга.
 2. чизмачилик асбоблари ёрдамида чизилган тасвирга.
 3. Чизмачилик қоидалари бўйича чизилган тасвирга.
 4. 2-3 жавоблар тўғри.

2. «Эскиз» бу ...
 1. Дэтaлнинг иш чизмаси.
 2. Манзарали расм.
 3. Қўлда чизилган тасвир.
 4. Дэтaлни йиғиш чизмаси.
3. Масштаб бу ...
 1. Чизмадаги ўлчамни ҳақиқий ўлчамга нисбати.
 2. Ҳақиқий ўлчамни чизмадаги ўлчамга нисбати.
 3. Чизмадаги ўлчамларни мм. да ифодаланиши.
 4. Чизмадаги ўлчам билан ҳақиқий ўлчам орасида-ги фарқ.
4. Техник расм деб қандай тасвирга айтилади?
 1. Аксономэтрия қоидалари асосида асбоблар ишлатмай қўлда бажарилган тасвир.
 2. Аксономэтрия қоидалари асосида чизмачилик асбоблари ёрдамида чизилган тасвир.
 3. Икки ва ундан ортиқ дэтaлларни бириккан тасвири.
 4. Чизмачилик асбоблари ёрдамида чизилган тасвир.
5. Габарит ўлчам деб қандай ўлчамга айтилади?
 1. Дэтaлнинг энг катта ўлчамига.
 2. Дэтaлнинг энг кичик ўлчамига.
 3. Айланани кўрсатувчи ўлчамга.
 4. Чиқариш чизиғининг ўлчамига.
6. А4 форматли қоғознинг ўлчамини аниқланг?
 1. 110x197 мм.
 2. 210x297 мм.
 3. 297x420 мм.
 4. 594x420 мм.
7. «Проекция» сўзи қандай маънони билдиради?
 1. Текислик.
 2. Яққол тасвир.
 3. Олдинга ташламоқ.
 4. Тенг ўлчамоқ.
8. Чизмада асосий контур чизиқнинг йўғонлиги қандай бўлади?
 1. 0,6-1,5 мм.
 2. 0,5-1 мм.
 3. 1-1,5 мм.
 4. 1-3 мм.

Мавзу: Маҳнат таълимидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни олиб бориш методикаси (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг аҳамияти, хусусиятлари шакллари ҳақида маълумот бериш. Меҳнат

таълими-тарбиясидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни шакллари ҳамда уларни ташкил қилиш методикаси ҳақида билим бериш.

РЕЖА:

1. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг хусусиятлари.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг шакллари.
3. Меҳнат таълимидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг шакллари.
4. Меҳнат таълимидан тўғараклар ва уларни ишини ташкил қилиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўзига хос хусусиятлар билан ўқув машғулотларидан фарқ қилади. Синфдан ташқари иш бир томондан синфдаги ишнинг давоми бўлса, бошқа томондан ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш имкониятларини анча кенгайтиради. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, ҳоҳиш ва эҳтиёжларига ҳамда лаёқатларига суянган ҳолда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув тарбия жараёнини тўлдиради. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорликларини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранг улар мазмунидаги ўзмир йигит-қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади. Иқтисодий принцип ўқувчилар ташаббускорлиги юқорироқ бўлишини таъминлайди. Шунинг учун бу ишлар ўқувчиларни қизиқтирадиган ва мазмундор бўлиши керак. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, бу ишларнинг мажбурий дастурининг йўқлигидир. Ўзбекистон Республикаси ХТВ томонидан намуна сифатидаги дастурлар ишлаб чиқилган, лекин маҳаллий шароитлар ва имкониятларни ҳисобга олиб ана шу дастурлар асосида ўзлари учун аниқ мақсадга қаратилган иш режа тузиб шу асосида иш олиб борадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки синфдан ва мактабдан ташқари ишлар (тўғараклар, суҳбатлар, маъруза, экскурсия, мунозара, мулоқот, адабий кеча, илмий-амалий конференция, турли ёзувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари, шоирлар, санъат арбоблари, спортчилар, олимлар билан учрашувлар ва хоказо) учун тузилган иш режа ва дастурлар Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг 1999 йил 30 июлдаги 8/5 сонли ҳайъат қарори билан тасдиқланган «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси» ва «Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари» га мос келиши керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг мазмуни болаларнинг мактабда олган билимларига таяниши ва бу билимларни чуқурлаштиришга ҳамда кенгайтиришга, ўқувчиларнинг бу билимларни амалда ва ижтимоий-фойдали фаолиятида қўллашларига ёрдам бериши лозим.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг қуйидаги шакллари бор:

А) Оммавий ишлар: мусобақалар, кўргазмалар, конкурслар, кечалар, эртаклар, экскурсиялар, конференциялар, спартакиадалар, учрашувлар ва хоказо.

Б) Тўғарак ишлари: Ёш физиклар, математиклар, табиатшунослар, ёш рассомлар, драма тўғараги ва хоказо.

В) Ўқувчиларнинг мустақил машғулотларини йўлга қўйиш: бунда ўқувчилар фан ва техниканинг бирон соҳасини ўрганиш учун мустақил ишлайдилар ёки мустақил равишда турли моделлар қурадилар ва хоказо.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг бу шаклларида энг кўп қўлланиладигани тўғарак ишларидир. Тўғаракларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Фанга оид тўғараклар, фанлараро тўғараклар ва фандан ташқари тўғараклар.

Меҳнат таълими ва тарбияси асосидаги синфдан ва мактабдан ташқари ишларда:

1. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар олган билим ва кўникмаларини мустахкамлаш, умумлаштириш ҳамда кенгайтириш.
2. Унумли меҳнатга асосланган ижодий фаолиятга ўқувчи-ларни жалб қилиш.
3. Хозирги замон ишлаб чиқариш асослари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.
4. Касб танлашга тайёрлаш.
5. Меҳнатга онгли муносабатни шакллантириш имконини беради.

Меҳнат таълимига асосланган синфдан ташқари ишлар турли шаклларда амалга оширилади. Тўғараклар, оммавий тадбирлар, меҳнат бирлашмалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тўғарак синфдан ташқари ишнинг синалган шакли бўлиб, мактабларда ўқув фанлари асосида ташкил қилинади. Меҳнат таълимидан фанга оид тўғараклар жумласига дурадгорлик, слесарлик, токарлик, тикувчилик, пазанда-чилик; фанлараро тўғаракларга физика-техника, қишлоқ хўжалигига оид; фандан ташқари тўғаракларга спорт техника тўғараклари (авто тўғараклар, авиа тўғараклар, кема – ракета модель тўғараклари, муқовачилик тўғараги) ва бошқалар киради.

Тўғарак машғулотларида ўқитиш методлари қўйилган дидактик мақсадларга, ўқув материалнинг мазмунига, ўқувчилар ва ўқитувчининг тайёргарлик даражасига қараб танланади.

Инструктаж тўғарак машғулотларида ўқитиш методадлари ичида муҳим ўринни эгаллайди. Бунда кириш, жорий, якунловчи инструктажлар; оғзаки, ёзма, график инструктажлар; фронтал, звено ва индивидуал инструктажлар қўлланиши мумкин.

Тўғарак машғулотларида ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг фронтал, звено, индивидуал меҳнат тақсимооти билан каби ҳар хил шакллари қўлланилади.

Тарбия масалалари нуқтаи назаридан ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг фронтал шаклини имкони борича кенг қўллаш лозим. Ўқувчиларнинг қизиқиши жихатдан қараганда эса индивидуал формасидан кўпроқ фойдаланиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури». Тошкент. 1999 йил.
2. Д.Тходжевский. «Меҳнат таълими методикаси». Тошкент «Ўқитувчи». 1990 йил.
3. К.Давлатов. «Меҳнат ва касб таълими тарбиясидан амалий машғулотлар». Тошкент. «Ўқитувчи». 1995 йил.
4. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Тошкент. «Шарқ» нашрети. 2000 йил.

Тест саволлари.

1. Меҳнат таълимига асосланган синфдан ташқари ишлар қандай шаклларда амалга оширилади?
 1. Психологик-педагогик таллаблар шаклида
 2. Тугараклар шаклида
 3. Оммавий шаклларда
 4. Меҳнат бирлашмаларида
 5. 2,3,4 жавоблар тўғри
2. Ўқувчиларни синфдан ташқари ишларда иштирок этишлари мажбурийми?
 1. Мажбурий
 2. Ихтиёрий
 3. Ихтиерий-мажбурий
 4. Тавсия буйича мажбурий
 5. 2, 3 жавоблар тўғри.
3. Тўғарак машғулотида ўқитиш методлари нималарга қараб танланади?
 1. Куйилган дидактик мақсадларга
 2. Ўқув материалнинг мазмунига
 3. Ўқувчилар ва ўқитувчининг тайёргарлигига
 4. Ўқитувчининг хохишига қараб
 5. 1,2,3 жавоблар тўғри.
4. Тўғарак машғулотида ўқитиш методларидан қайси бири муҳим ўринни эгаллайди?
 1. Ҳикоя.
 2. Сухбат.
 3. Инструктаж.
 4. Ўқув қўлланмалари билан ишлаш.
 5. Лаборатория тажрибалари.

Мавазу: Ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими ва уни қўллаш йўллари (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Давлат таълим стандартлари асосида ўқувчилар билимини янги рейтинг тизимида баҳолаш йўллари ҳақида ва тизими тушунча ва билим бериш.

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар билимини янги рейтинг тизимида баҳолаш йўллари, назорат турлари, уларни амалга ошириш тартиби ҳамда синф журналини юритиш ва якунлар чиқариш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни хосил қилиш.

Кўргазма: ДТС лари, назорат турлари тасвирланган плакат, иш режа наъмуналар.

Режа.

1. Давлат талаблари ҳамда меҳнат ва касб таълими.
2. Янги рейтинг тизимининг ўзига хос хусусиятлари
3. Рейтинг тизимида ўқувчилар билимини баҳолаш ва синф журнаliga қайд этиш йўллари.
4. Синф журналларини юритиш ва якун чиқариш.

1. Давлат талаблари ҳамда меҳнат ва касб таълими.

Прездентимиз И.А.Каримов «Баркомол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги маърузаларида меҳнат ва касб таълими соҳасида, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг қай даражада этук билимли бўлишлари кераклиги ҳақида алоҳида тухталиб ўтганлар.

Давлат талабларида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси ўз соҳасига тегишли барча меёрий – ҳуқуқий, меёрий – услубий ҳужатларни билиши, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янгича усуллари, айниқса, рейтинг тизимини мукамал қўллай билишлари кераклиги ҳақида талаблар қўйилаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда республика вазирлар маҳкамасининг 1998-йил 13-майдаги “Умумий ўрта таълимни

ташқил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорини бажара бориб, вилоятимиз мактабларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан рейтинг тизими ва уни амалга ошириш бўйича ҳам тажриба синов ишлари амалга оширилди. Шу давр ичида рейтинг тизимининг турли моделлари (вариантлари) билан иш олиб борилди ва уларнинг ўқувчилар билимини баҳолашдаги ижобий ёки салбий томонлари атрофлича таҳлил этилди.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тажриба синовдан ўтказила бошланди. Ўзбекистон Республикаси халқ талими Вазирлигининг “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида” ги 2001 йил 14-сентябрдаги 133-сонли буйруғи ва шу асосидаги вилоят халқ таълими бошқармасининг 2001-июль 11 октябрдаги 170-А буйруғи асосида синов ишлари Тўрақўрғон туманидаги 12-ўрта таълим мактабида ўтказилди.

Янги рейтинг тизимини қандай жорий этиш кераклиги ҳақида “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини тўғрисида”низомининг тажриба-синов варианты “Маърифат” газетасида эълон қилинди. Мазкур низоми қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими Вазирлигининг 1998 йил 10 сентябрдаги “Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини тадбиқ этиш бўйича тажриба синов ишларини ташқил этиш ҳақида”ги 172-сонли, ҳамда 2000 йил 31-июлдаги 145-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотганлиги сабабли олдинги рейтинг тизимига доир чиқарилган турли қўлланма ва тавсиялардан ҳам фойдаланилмайди.

2. Янги рейтинг тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Янги рейтинг тизимининг жуда кўп ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аввало ўқувчилар “2”, “1” деб аталувчи ўқувчи учун ҳам, ота-она учун ҳам хунук бўлган баҳодан воз кечилди. Иккинчидан, аввалги рейтинг тизимдаги жорий, оралик, якуний назоратлардаги балл тўплашининг соат тақсимотига қараб чегараси йўқолди. Ўқувчилар

истаганича балл тўплаши қизиқиш иштиёқига қараб балл тўплаш имкониятлари туғилди.

Аввалги рейтинг тизимида учта назорат тури бўлган бўлса, бунда бешта назорат тури мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Оралиқ назорат - ОН
2. Жорий назорат - ЖН
3. Махсус назорат - МН
4. Босқичли назорат - БН
5. Якуний назорат - ЯН

1. Оралиқ назорат ДТС да кўрсатилган ёки бу фан бўйича ўқитувчилар томонидан ўзлаштириши мажбурий бўлган билим, малака ва кўникмалар элементларининг йиғиндисидан иборат бўлган, сон жиҳатидан аниқ белгилаб қўйилган мажбурий стандарт текшириш ишларидан (МСТИ) иборатдир. Мажбурий стандарт текшириш иши (МСТИ)учун танланган мақсад вазифалар ҳар бир фан бўйича таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хослиги, ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш.

2. Жорий назорат (ЖН)-нинг асосий вазифаларидан бири - ўқувчиларнинг билимларидаги бўшлиқлар пайдо бўлишини олдини олиш ва уни бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган мажбурий тўлдирувчи сўровлардир. ЖН бундан ташқари МСТИ лар оралиғида ўтказиладиган анъанавий сўровлардир. Ўқувчилар билими 0 балдан 3 балгача баҳоланади.

3. Ўқувчиларнинг истак ва хохишларига қараб барча ўқувчилар учун мажбур бўлмаган ўқувчиларнинг ижодий ишлари, қўшимча топшириқларни бажаришларини ҳисобга оладиган махсус назорат тури ҳам мавжуд. Ишнинг МН тури ўқувчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Меҳнат таълимидан мактаб, туман, вилоят олимпиадаларида қатнашувчи, турли спорт мусобақалари, кўрик танловларда, кечаларда иштирок этиш, макетлар ясаш, ижодий расмлар чизиш кабилар шулар жумласидандир.

4. Босқичли назорат (БН) ички ва ташқи назорат шаклларида бўлади. Бу назорат ўқув йили якунида баъзан зарур ҳолларда чораклик (ярим йиллик) якунида бўлиши мумкин. Назоратнинг

ушбу тури ўқувчиларнинг чораклик (ярим йиллик) ёки йиллик рейтингини ҳолислигини аниқлаш мақсадида тест синовии ёзма ишлар ёки синовлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Бу назоратни ўтказиш унинг шакл ва мазмунига кўра таълимни бошқариш органлари томонидан айрим ҳолларда мактаб педагогика кенгаши томонидан қабул қилинган қарор асосида олиб борилади.

5. Якуний назорат умумий ўрта таълим мактабларида таълимнинг тўлиқ курси тугаганидан сўнг давлат аттестацияси шаклида амалга оширилади.

Рейтинг тизимида ўқувчилар билимини баҳолаш ва синф журналида қайд этиш тартиби .

1. Рейтинг тизимида ўқувчилар билимини баҳолаш ва синф журналига қайд этиш йўллари.

Маълумки ”Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги тўғрисида”ги Низомда стандарт рейтинги балларини ҳисоблаш, чоракдаги рейтинг балларини сарҳисоб қилиш, ўқувчилар ўзлаштиришларини ҳисобга олиш умумий ведомостларидан формалар берилган. Меҳнат ва касб таълими фанларида ҳам ана шулар асосида иш олиб борилади.

а) Масалан, ҳар бир мажбурий стандартли текширув ишини (МТСИ) ҳар бир чоракка мослаб режалаштирилади. МТСИ нинг шакли белгиланади. У тест шаклида бўлиши, чоракда 4 ёки 5 марта ўтказилиши мумкин. Ҳар бир МТСИ да ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини белгилаш ишнинг оғир ёки енгиллигига қараб рейтинг бали белгиланади. Ишда текшириладиган билим, кўникма ва малакалар асосий элементларининг рўйхати олдиндан тайёрланиб уларга тегишли боблар белгилаб қўйилади.

Қўшимча балл. Янги жорий этилаётган рейтинг тизимида мажбурий стандарт терширув иши учун қўшимча баллга ҳам имконият берилган. Қўшимча балл синфдаги барча ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган иш туридир. Бу 40 дақиқа ичида олинаётган мажбурий стандарт текширув ишини муддатдан олдин бажариб бўлган ўқувчилар дарснинг маълум қисмида бўш отирмасликлари ва яна қўшимча топшириқлар бажаришлари учун мўлжалланган

топширик ҳисобланади.Бунинг учун ўқитувчи МСТИнинг мақсад ва мавзусига доир топшириқлар тайёрлаб қўяди.Бу топширик ҳам асосан ўрганилаётган мавзуларга доир бўлиб нечта билим, малака ва кўникма элементлари борлиги ҳамда белгиланган баллар кўрсатиб қўйилиши керак. қўшимча балл учун олинган иш ҳам олинган МТСИ нинг пастига ҚБ иши деб бажарилиб текширилгандан сўнг тегишли баллни қўйиб қўйилади. ҚБ топшириқларининг оғир енгиллигига қараб баллар белгиланади ва у балл иш режада қайд этилган бўлади.

4. Синф журналларини юритиш ва якун чиқариш.

Синф журнали давлат ҳужжати бўлиб бу ҳужжатни журналда қайд этилган қоидалар асосида тўлдирилиши керак.Ўзувлар аниқ,чиroyли ва тушунарли бўлиши зарур.Журналда ҳар бир МТСИ олинганда 3 тадан катак қолдирилади.Биринчи катакка қўшимча балл,иккинчи катакка МТСИнинг бали,учинчи катакка тўлдирувчи баллар қўйилади.Ана шу 3 та катак учун фақат битта сана қўйилади.

Чораклик (ярим йиллик,йиллик)якун чиқариш.

Чораклик (ярим йиллик,йиллик) якун чиқариш учун:

1. Текшириш ишининг ҳақиқий бали (ТИҲБ).
2. Тўлдирувчи балл (ТБ)
3. Эркин балл (ЭБ)
4. Қўшимча балл ва ижодий балл (ҚБҚИБ)
5. Чоракдаги ҳақиқий рейтинг бали (ЧҲРБ)
6. Чоракдаги стандарт рейтинг балга (ЧСРБ) нисбатан фоизи.
7. Ўқувчининг фоизга нисбатан ўрни. (ЎФНЎ)

Йиллик якун чиқариш учун йиллик стандарт рейтинг баллар йиғиндисига ҳақиқий рейтинг баллар йиғиндисини 100 га кўпайтириб йиллик стандарт рейтинг балига бўлинади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг ДТС лари 1999-йил 4-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим Вазирлигининг “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб

борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида” ги 14-сентябр 2001-йилдаги 133-сонли буйруғи.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида Низом (тажриба-синов варианты) 2002-йил.

Тест саволлари.

1. Янги рейтинг тизими қандай ҳужжатга асосланиб амалга оширилади?

- А) Мавжуд дарсликларга асосланиб
- Б) Маълум топшириқ асосида
- Д) Низом асосида
- Е) Барча жавоб тўғри
- С) Барча жавоб нотўғри.

2. Қайси жавобларда назорат турлари тўғри кўрсатилган?

- А) Оралиқ назорат
- Б) Жорий ва махсус назорат
- В) Босқичли назорат
- Е) Якуний назорат
- С) Барча жавоб тўғри

3. Барча ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган назорат турини аниқланг?

- А) Оралиқ назорат
- Б) Жорий ва махсус назорат
- В) Босқичли назорат
- Е) Тўғри жавоб йўқ.
- С) Барча жавоб тўғри.

4. МСТИ да натижа стандарт рейтинг балидан паст бўлса тўлдирувчи балл топшириши шартми?

- А) Шарт
- Б) Шарт эмас
- Д) Ўқувчининг ихтиёри
- Е) Топширмаса ҳам бўлади.
- С) Тўғри жавоб йўқ.

Мавзу: "Сиз Конституцияни биласизми?".
(2 соатлик давра суҳбати).

Мақсад: Тингловчилар билан Конституция ҳозиргача бизга нима берганлиги, уларда Конституция ва қонун устиворлигини шакллантириш, Конституция ва қонунларга ҳурмат ўйғотиш ва улар доирасида иш тутишга одатлантириб бориш.

Кўргазмали қуроллар: Конституцияга доир плакатлар ва стендлар.

РЕЖА:

1. Конституция бизга нима берди?
2. Конституция - истикболимиз маёғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида.

**Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, шу
ерда адолат бўлади. (Амир Темур)**

Мустакиллик туфайли юртимизда ҳукукий демократик давлат қуриш имконияти туғилди. Ҳукукий демократик давлатнинг ҳукукий демократик давлатнинг асослари эса унинг Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган.

Республика олий кенгаши 12-чақириқ XI сессиясида конституция қабул қилингандан буён 11 йил вақт ўтди. Шу қисқа муддат ичида Республикамизнинг ижтимоий сиёсий соҳасида бекиёс ишлар амалга оширилди. Республикамизнинг дунё миқёсида обрў-эътибори ортиб. Нуфузли ташкилотлар аъзоси бўлди. Буларнинг барчасини ҳукукий асоси давлатни барпо этиш учун юксак ҳукукий тафаккур, ҳукукий маданият устиворлиги зарурдир. Бунга эришишда ёшларнинг ҳукукий жиҳатдан билимли бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ёш авлодни ҳуқуқий билимдон онгли ва ҳуқуқий маънавиятли ва маданиятли қилиб тарбиялашда энг аввало асосий манба Конституциядир.

Давлат стандартида айтилганидек:

- ўқувчиларда Конституция ва қонун устиворлигини шакллантириш.
- Конституция ва қонунларга ҳурмат уйғотиш ва улар доирасида иш тутишга одатлантириб бориш;
- ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқ эркинликлари ва бурчларини аниқ билиш ва ҳаётда таъадбик эта олишга ўргатиш лозимдир.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларда, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини ўқитиш бошланди. Мустақил давлат фуқаролари ўз Асосий Қонунини тубдан ўрганишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу нарсалар мамлакатимиз раҳбарининг Фармойишида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мактабларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани таркибида "Конституциявий ҳуқуқ" соҳаси 16 соат ҳаажмда ўрганил-моқда, 9-синфда эса 34 соат ҳажмда ўрганилади.

Жахоннинг етакчи давлатларидан бири АҚШ Конституцияси 18 асрнинг сўнгги йилларида қабул қилинган бўлиб, ўтган 200 йил ичида унга 20 дан ошиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилган. У мукамал тузилгани боис ўзининг юридик факт сифатидаги аҳамиятини сақлаб келяпти.

Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг кенг иштирокида Президентимиз И.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида қабул қилинган Конституциямиз халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига тўла мос келади. Инсонпарварлик ва демократик тамойилларни ўўзида сингдирган Бош Қомусимиз фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун кўп асрлар хизмат қилиши, шубҳасиз. Истиқболимиз йўлида маёқ бўлиб турган муқаддас Конституциянинг қадрига етиб, тўлиқ ўрганиб ва унга амал қилиб яшасак, халқимизнинг асрий орзулари, албатта рўёбга чиқади.

2001 йил 4 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги" фармойиши чиқди. Конституцияни билиш, унинг мазмунини мохиятини тарғиб этиш ва ташвиқ қилиш мақсадида 5 та бўлим бўйича Конституцияни ўрганиш дастури берилди.

2-бўлимда 1 ой муддатда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, методик кўрсатмаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш, 2001 йил 1-апрелга қадар "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" махсус курсларини ишлаб чиқиш, 2001 йил 1-август-гача Конституцияни ўрганиш учун дарсликлар ва махсус адабиётларни чоп этишни белгилаб берилди.

3-бўлимда 2001 йил 1-августгача "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари бўйича ҳар халқ таълими тизимида ишловчи тарбиячи ва педагогларни тайёрлаш топширилди.

Давра суҳбати қатнашчиларига бериладиган саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини яратиш ғояси қачон пайдо бўлган? (1989 й июн ойида)
2. Конституция лойихасини тайёрлаш бўйича комиссия неча кишидан иборат тузилади. Унинг раиси ким? (И.Каримов раислигида, 64 киши).
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойихаси дастлаб қачон матбуотда эълон қилинган. (1992 йил 26 сентябрда).
4. Конституция лойихаси неча ой умумхалқ муҳокамасида бўлди. (3,5 ой)
5. Конституциянинг тузилиши неча бўлим, боб ва моддадан иборат. (6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат).
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойиллари конституциянинг қайси бўлимида берилган. (1 бўлимида).

7. Ўзбекистон Респ. Конституцияси давлат суверенитети принципи конституциянинг қайси бобида берилган. (1 бобида)
8. Суверенитет - сўзининг луғавий маъноси нима? (алоҳида ҳокимият бирлашмаси, мустақиллик французча, ҳамда ҳуқуқ деган маънони англатади).
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари неча? (4 та)
10. Референдум нима? (умумий овозга қўйиш халқ муҳокамаси)
11. Ўзбекистонда мактаб ишлари қимнинг назоратида туради? (Давлат назоратида).

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. (2001 йил 8 декабр Ишонч газетаси).
2. И.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши. (2001 йил 4-январ Ишонч газетаси).
3. "Конституцияни биласизми?" (М. Мўйдинова. Тошкент 2000 й).

Мавзу: Меҳнат ва касб таълими дарсларида ўқитишнинг фаол усулларида фойдаланиш (2 соатлик давра суҳбати).

Мақсад: Меҳнат ва касб таълими дарсларини ўқишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш методикаси ҳақида маълумот бериш.

Режа:

1. Ўқитишнинг фаол усулларида фойдаланишнинг аҳамияти.
2. Меҳнат ва касб таълими дарсларида ўқитишнинг фаол усулларида фойдаланиш.

3. Ноанъанавий дарсларнинг турлари ва уларни қўллаш методикаси.

Ўқитишдаги илғор усуллардан бири таълимнинг ноанъанавий шакллари ҳисобланиб, улар таълим жараёнини фаоллаштиришга хизмат қилади. Кузатишлардан шу нарса маълумки, дарс машғулотларидаги ўқувчиларга бўлган муносабат ва талабнинг бир хиллиги уларни шу дарсга нисбатан қизиқишларини пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли дарснинг ноанъанавий усуллари қўллаш яхши натижа беради.

Конференция дарси

V-VII синфларда меҳнат дарсларида «Ёғочларга ишлов бериш» бўлими мавжуд. Бу бўлимда ёғоатериаларининг олиниши, турлари, тузилиши, хоссалари, ишлатилиши ва турли хил дурадгорлик буюмларини ясаш ўргатилади. Бу бўлим юзасидан олинган билимларни кенгайтириш ва атрофлича ўрганиш мақсадида конференция дарси ташкил этиш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари ҳисобга олиниб, уларни уч гуруҳга, яъни ўлкашунослар, дурадгорлар ва тадбиркорлар гуруҳларга бўлиб олинади. Уларга шу соҳаларга оид топшириқлар берилади. Бунда ўлкашунослар гуруҳи дарахтлар, уларнинг турлари, тузулиши, жойлари ҳақида; дурадгорлар гуруҳи дарахтлардан олинadиган ёғоч-тахта материаллари, улардан турли хил буюмлар ясаш ҳақида; тадбиркорлар гуруҳи эса бу буюмларни бозорда қандай сотиш, тушган маблағни қандай сарфлаш ҳақидаги фикрларини баён қиладилар.

Бу усул қисқа вақт ичида ўқувчиларга хомашё тайёрлашдан тортиб, буюм тайёрлаш ва уни сотиш жараёнларини амалда кўрсатиб бериши билан диққатга сазовордир.

Топағонлик дарси.

Дарсда олган билимларни такрорлаш ва мустахкамлаш мақсадида ўйин кўринишидаги топағонлик дарсидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар икки гуруҳга ажратилади. Ўқувчиларга ўрганилаётган мавзуларга оид расм, схема ва бошқа тасвирлар кўрсатилади ёки доскага чизилади. Расм тенг бўлақларга

ажратилиб, рақамларбилан белгиланади. Ўқувчиларга рақамлар топилиши керак бўлган сўзларнинг биринчи ҳарфларини билдириши уқтирилади. Албатта ниманинг расми бўлса шунга оид маълумотлар бўлажаклиги огоҳлантирилади.

Дарсни ўқитувчи бошқаради. Дарс мусобақа тарзида ўтказилиб фаол ўқувчилар рағбатлантириб борилади. Бунда гуруҳлардаги ўқувчилар бир-бири билан маслаҳатлашиш имкониятига эга. Ҳар бир жавоб учун маълум балл қўйиб борилади. Тасвирда бериладиган шартлар, саволлар тўла қаноатлантирилгандан сўнг гуруҳлар тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ айтилади. Сўнгра тўғри жавоблар қўшимча саволлар орқали мустаҳкамланади. Шу тарзда бошқа тасвирлар кўрсатилиб дарс давом эттирилади.

Меҳнат дарсларида турли бошқотирмалардан фойдаланиш.

Ўқитувчи томонидан доскага бошқотирма жадвали чизилади ва қаторлар рақамланади. Қатордаги сўзларни топиш учун саволлар тузилади. Жавоблар жадвалнинг бўйига ва энига кўра ёзилиши айтилади. Саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилинади. Ўқувчи жавобларни доскага ёзади.

Дарс давомида ўқувчиларга турли кўринишдаги бошқотирмалар тайёрлашни вазифа қилиб бериш мумкин. Бу дарсни ҳам мусобақа шаклида ташкил қилиш мумкин.

Тест сўрови усули.

Ўқитувчи ўқувчиларга икки хил вариантда тест материалларини тарқатади. Бир хил вариантдаги ўқувчиларни жойлашуви ва муносабатлари дарс давомида эътиборга олинади. Тестларни ечишда ўқувчиларни назорат қилишни иккита аълочи ўқувчига топширилади. Ўз-ўзини назорат қилиш орқали тест саволлари ечилади. Якунланган тестларни текшириш учун йиғиштириб олиниб, алмаштириб тарқатилади. Жавоблар икки ўқувчи томонидан ўқиб берилади. Ўқувчилар эса текширишни амалга оширади. Дарснинг ўз-ўзини бошқариш ва натижаларини баҳолаш қисмига 10-15 минут вақт сарфланади. Қолган вақтларда дарснинг бошқа босқичлари амалга оширилади. Бунда ўқувчиларни 100% баҳолашга эришилади.

Ролли саҳналаштириш дарси.

Бу машғулот саҳна кўринишида ташкил этилади. Масалан, металл ва металл қотишмаларига оид мавзуни саҳна кўринишида ташкил этиш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг ҳар бирига биттадан металл тимсолида ўртага чиқиб, уларни таърифлаб бериш топширилади. Ўтказиладиган жой – саҳна жихозланади. Бу ерда мавзуга оид меҳнат қуроллари, турли буюмлардан намуналар, рамзий кийимлар ва бошқалар тайёрлаб қўйилади.

Бу усулда синфдаги ҳар бир ўқувчининг қатнашишига эришилади. Қатнашувчилар маълум бир металл қиёфасида саҳнага чиқиб сўзлайдилар. Сўзлари, кўринишлари ва ҳаракатлари билан дарснинг жонли, қизиқарли чиқиши таъминланади.

Аукцион дарс.

Аукцион дарсни «Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари» фанига оид «Плуглар, уларнинг тузилиши ва турлари» мавзуси мисолида кўриб ўтади. Ўқувчи аукционни бошқарувчи раис вазифасини бажаради. Бир неча ўқувчилар ишлаб чиқариш корхоналарининг савдо вакиллари, қолган ўқувчилар эса харидорлар бўлишади. Ўқитувчи дарсни бошлаб аукционни очиб беради. «Хурматли харидорлар бугунги аукционимизга ерга ишлов буриш учун мўлжалланган турли ҳил плуглар қўйилган. Бу плугларни сотиб олиб сиз ҳам ишончли техникага эга бўласиз, ҳам мўл ҳосил учун замин яратасиз. Барчангизга омад тилаймиз. Плуглар ҳақида ишлаб чиқариш корхоналарининг савдо вакиллари маълумот беришади. Марҳамат»

3 та ўқувчи навбати билан саҳнага чиқиб, расм, плакат ҳамда диапроекторлар ёрдамида бир неча плугни таърифлаб беради. Бунда плугларнинг техник тавсифномаси, афзалликлари, ишлатишдаги кафолат муддатлари ҳақида ахборот берилади.

Аукцион туркумига кирувчи дарслардан яна бири бозордаги савдо сотиқ кўринишидаги дарсни ташкил қилиш ва ўтказишдир. Ўқувчилар 3-4 гуруҳга ажратилади. Булар каштачилар, тикувчилар, дурадгорлар бўлиши мумкин.

Махсулотни сотиш учун аввало уларни реклама қилишлари лозим. Махсулотларни харид қилишда нафақат ўқувчилар балки

Ўқитувчилар ҳам қатнаша оладилар. Ўқувчиларнинг фаолиятини баҳолашда уларнинг қанчалик кўп махсулот тайёрлаганлиги, махсулотларни реклама қилиш ва сотиш қобилияти, шунингдек, харидорлар билан муомаласи инобатга олинади.

Тренинг дарслари.

Тренинг сўзи тренировка-машқ қилиш сўзидан олинган бўлиб, янги маълумотларни амалда қўллашни ўрганиш деган маънони англатади. Тренинг дарслари қайта алоқа асосида олиб борилади. Яъни ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини билиб, билимларини янада бойитиб ўзларига қайтариб беради, дарс давомида фақат ўқитувчи ишламасдан ўқувчилар ҳам тенгма-тенг ишлайдилар. Ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлаб, олган назарий билимларини амалда синаб кўрадилар. Механизмлар ҳақида тушунчалар беришга оид тренинг дарсини қуйидагича ташкил этиш мумкин.

Машғулотни ўқитувчи ақлий хужум билан бошлайди. «Деталл нима?». ўқувчилар саволга жавоб беради. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни 3 та кичик гуруҳга бўлади. 1-гуруҳга «Ўқ нима?», 2-гуруҳга «Вал нима?», 3-гуруҳга «Шпиндел нима?» деган саволлар берилиб, гуруҳдан бир киши гапириб беришини илтимос қилинади. Ўқувчилар жавоб бериб бўлгандан сўнг ўқитувчи станок ва чизмалар ёрдамида ўқ, вал, шпиндел ҳақида батафсил маълумот беради ва дарсни якунлайди.

Кўргазма дарси.

Бу дарсни чизмачилик дарсларида қўллаш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга чизиш учун топшириқлар беради. Ўқувчиларнинг чизга чизмалари кўргазмага қўйилади. Ўқитувчи барчани кўргазмага таклиф қилади. Ўқувчилар ўзлари чизган чизмани тушунтириб беради. У ўз баёнини тугатгач шу мавзу бўйича бахс мунозара ўтказилади.

Юқоридаги каби дарс усуллари кўллаш орқали ўқувчиларни мустақил ишлашга, назарий билимларни амалда қўллашга ўргатиш, уларнинг нутқини ўстириш, дарсдаги фаоллигини ошириш, дарсда фрнлараро боғланишни таъминлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг ДТС лари 1999-йил 4-сон.

2. “Узлуксиз таълим” илмий-услубий журнал 2002 йил 2-сон.

Мавзу: Бошланғич синфларда меҳнат таълими дарсларини ташкил этиш ва режалаштириш. (4 соатлик маъруза)

Мақсад: Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқув дастури, ўқув режаси, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, куникма ва малака меъзонлари, меҳнат таълими дарсларини синфлар бўйича режалаштириш ҳақида билим бериш.

РЕЖА:

1. Меҳнат таълими фанини мақсад ва вазифалари.
2. Меҳнат таълими фанини хусусиятлари
3. Меҳнат таълимини амалга ошириш учун ҳал қилинишини лозим бўлган вазифалар
4. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни баҳолаш
5. Ўқувчиларнинг бошланғич таълим якунида меҳнат таълимидан тайёргарлик даражасига қўйиладиган ДТС талаблари
6. 1-4 синфларда меҳнат таълими дарсларини тахминий режалаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида умумтаълим мактабларида ўқитиладиган барча фанларнинг ДТС лари ва ўқув

дастурлари ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич жорий этиб борилмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг ДТС (1999 йил 16 август) ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Меҳнат таълими бўйича ДТС да умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими ва касб танлашга йўналтиришнинг таянч мазмуни ҳамда мактабни битирган ўқувчиларнинг меҳнат таълими фанидан тайёргарлик даражасини меъёрлари ифодаланади.

Меҳнат таълими, ўқитувчи, раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларига онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятида кўникишларига имкон берувчи шахсий сифатларни ва тафаккурларни ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Умумий ўрта таълим мактабида меҳнат таълими фанини

ўқитишнинг мақсади:

1. Ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари билан таништириш.
2. Касблар билан таништириш
3. Дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини шакллантириш
4. Меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш
5. Меҳнат ва касбларни қадрлаш, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш
6. Касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбгача тайёргарликларини амалга ошириш
7. 5-синф учун узвий боғланиш заминини яратишдан иборат.

Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади.

Таълимий мақсади - ўқувчиларнинг баркамол шахслар бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар асослари технологиясини ўргатиш, уларни касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали уларнинг касбга тайёргарлигига замин яратишдан иборат.

Тарбиявий мақсад-Ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллашлари жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларида юқори ахлоқни сифатларни меҳнатсеварлик, Ватанпарварлик ва тадбикорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи мақсад- меҳнат таълими машғулотида жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий бадиий эстетик тарбия ва таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Назорат мақсади-Ўқувчиларнинг дастурда белгиланган билим, кўникмаларни ДТС га биноан ўзлаштириш ҳолатини назорат қилишдан иборат.

Меҳнат таълими фани бошқа ўқув фанларидан ўзининг бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Ушбу фанни ўқитишда амалий мазмун устиворлиги
2. Ишлаб чиқариш билан узвий ва чамбарчас боғлиқлиги
3. Мужассам фан эканлиги (фанлар билан алоқадорлиги)
4. Ўқитишда ўғил ва қиз болалар меҳнатини ўзига хослиги
5. Шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий техника жиҳатдан таъминланиш даражасига боғлиқлиги
6. Шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини шаклланиши, билим, кўникма ва малакаларининг ўзига хослиги.

1-4 синфлардан меҳнат таълими машғулотида мазмуни ва усуллари ўқитувчилар томонидан инсонларнинг умумий меҳнат ва касб фаолиятларига доир дастлабки меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган.

Ўқувчилар ҳар бир меҳнат ҳаракатини онгли равишда ва шу ҳаракатдан кўзланган мақсадга мувофиқ шаклда бажаришга ўргатиб борилади.

1-4 синфларда меҳнат таълими дарси ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади. 1 синфда 33 соат, 2-4 синфларда 34 соатдан жами 1-4 синфларда 135 соат ўқитилади.

ДТС га асосан 1-4 синфларда меҳнат таълими ўқув фани таркибида қуйидаги ўқув курслари киритилган.

- умумий ва бадий меҳнат;
- умумий технология (буюмлар тайёрлаш тартиби) асослари.

Ушбу йўналишнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги мавзулар бўйича назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

- Материалшунослик асослари
- Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва уларни ишлатиш усуллари
- Миллий ҳунармандчилик касблари бўйича умумий маълумотлар, ўзаро турдош касблар бўйича дастлабки тайёргарлик ҳамда уларни 5-синфда ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда интеграциялаштириб ўқитиш жараёнида амалга ошириб боради.

Аслида касбга йўналтириш ишлари 1-синфдан бошлаб барча фанлар мазмуни узвий боғлиқлиги асосида уларнинг касблар турлари билан таништириш ҳамда шахсий хислатлари касбларнинг маълум 5 та тури яъни одам-табиат, одам-техника, одам-одам, одам-белги тизими, одам-бадий образ турларининг қайси бирига мос эканлигини аниқлаш ҳамда шу йўналишда ривожлантириб бориш жараёнининг натижаси ҳисобланади.

1-4 синфда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари маҳаллий эҳтиёжлар, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда шунингдек

истикболни белгилаш идоралари тавсияси ҳамда КХК ва Академик лицейлар йўналишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мактабларда меҳнат таълими машғулотларининг мазмуни асосан миллий ҳунармандчилик касблари йўналишида олиб борилади.

Йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланган ҳудудлардаги мактабларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналган имкониятларини яратиш лозим.

Ўқувчилар меҳнат таълимини амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий ва услубий вазифаларни ҳал қилиши лозим.

Ташкилий вазифалар: Меҳнат таълими бўйича назарий амалий машғулотлар учун ўқув хоналари ҳамда унда махсус иш жойи ташкил қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини яратиш зарур. Хом ашё материаллар, асбоблар мосламалар механизмлар билан таъминлаш.

Санитария-гигиена, меҳнат хавфсизлиги бўйича белгиланган талабларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва мунтазам назорат қилиб бориш. Меҳнат корхоналари, ташкиотлар касб-ҳунар коллежлари билан узвий алоқа ўрнатиш, расмана ҳужжатлар, иш режалари, ўқув хонада ишлаш қоидалари, айрим механизмларни электр жиҳозлар билан ишлаши, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари. Синф журналларини юритиш.

Услубий вазифалар: машғулотларнинг ярим ва бир йиллик иш режаларини тузиш, бунда маҳаллий шароит ва эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, ўқувчиларни яқиндан таништириш мумкин бўлган касб турларини танлаш, ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига хос меҳнат машғулотларини ва касб танлашларини амалга ошириш бориш, машғулотларда замонавий илғор педагогик

технологиялар, дидактик воситалардан кенг фойдаланиш меҳнат таълим ва тарбиясининг бирлигини таъминлаш. Ўқувчиларга турли касбларга тегишли дастлабки кўникма, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб боришда уларнинг ёш хусусиятлари шахсий психологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.

Ўқувчиларнинг билим, ўқув кўникмаларини турли усуллар билан назорат қилиб бориш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма малмкалар қуйидаги мезон бўйича баҳоланади:

1. Шаклланган назарий билимлар
 2. Шаклланган кўникма ва малакалар
 3. Миллий ҳунармандчилик соҳалари бўйича шаклланган умумтаълим билимлари
 4. Миллий ҳунармандчилик касбларининг интегратив асосларини ўзлаштириш
 5. Миллий ҳунармандчилик касблари асоси бўйича шаклланган билим, кўникма ва малакалар
 6. Миллий ҳунармандчилик касблари бўйича шаклланган маҳорат
 7. Миллий ҳунармандчилик соҳасида шаклланган ижодкорлик
- Шу билан бирга:
- асбоблардан фойдаланишни эгаллаш
 - мосламалар ижод қилиш
 - тайёрланган буюмлар ёки машғулотлар сифати
 - эришилган натижаларни иқтисодий кўрсаткиларини аниқлаш асосида баҳолаш

Ўқувчилар 4-синф якунида меҳнат таълими фанидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт.

- меҳнат қуролларидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалан олиш
- қоғознинг инсон фаолиятидаги аҳамиятини билиш ва у билан ишлай олиш
- меҳнатга ижодий ва онгли ёндоша олиш
- техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш
- қурилиш материалларига ишлов бериш жараёнини билиш
- картон билан ишлай олиш
- ўзининг ва ўзгаларнинг меҳнат фаолиятини баҳолай олиш
- уй-рўзғор ишларини бажара олиш
- содда конструкторлик ишларини бажариш
- маҳаллий ва табиий материаллардан фойдалана олиш
- газлама, ип ва тикув асбобларини билиш
- элементар тикув ишларини бажара олиш
- иносн меҳнатини ва фаолиятини турларини англаш
- қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳаёти ва меҳнатини билиш
- дурадгорликка оид содда ва енгил ишларни бажара олиш (ўғил болалар)
- оддий бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар)

Умумий ва бадий меҳнат курсининг синфлар бўйича тақсимланиши.

№	Мавзулар	Синфлар				Жами
		1	2	3	4	
1.	Расм, эскиз ва жадваллар чизиш.	9	9	4	4	26
2.	Дизайн асослари.	-	-	8	8	16
3.	Наққошлик асослари	8	8	5	5	26
	Жами	17	17	17	17	68 с

Умумий технология асослари курсининг ўқув режаси.

№	Мавзулар	Синфлар				Жами
		1	2	3	4	
1.	Материаллар.	1	1	1	2	5
2.	Асбоб-ускуналар.	2	2	1	2	7
3.	Амалий иш усуллари (операциялар)	2	2	1	2	7
4.	Амалий мустақил ишлар	11	12	14	11	48
	Жами	16	17	17	17	67 с

1-синф

I. Умумий ва бадий меҳнат-17 с

1. Расм, эскизлар ва жадваллар чизиш- 9 с
 - 1.1. Оддий шаклдаги текис буюмлар тасвири – 3 с
 - 1.2. Айрим касблар бўйича тайёрланадиган оддий шаклдаги буюмлар ва маҳсулотлар эскизлар чизиш- 3 с
 - 1.3. Турли касбларда ишлатиладиган оддий шаклдаги асбоблар расмини чизиш – 3 с

2. Наққошлик асослари – 8 с

- 2.1. Буюмларнинг безакларини ўрганиш – 2 с
- 2.2. Буюмларнинг безакларини ўзига қараб чизиш- 3 с
- 2.3. Геометрик шаклларида нақшлар чизиш- 3 с

II. Умумий технология асослари- 17 с

1. Материаллар ҳақида дастлабки маълумотлар- 2 с
2. Асбоб- ускуналар ҳақида маълумотлар – 2 с
3. Асосий иш усулларини ўрганиш – 2 с
4. Аамалий мустақил ишлар – 10 с

2- синф.

I. Умумий ва бадиий меҳнат-17 с

1. Расм, эскиз ва жадваллар чизиш- 9 с

- 1.1. Болалар ясаган ўйинчоқлар ва расмларни чизиш, бўяш- 3 с
- 1.2. Айрим касблар маҳсулотлари ёки тайёрланадиган буюмлари эскизини чизиш ва бўяш – 3 с
- 1.3. Касблар учун асбоблар тасвирини чизиш- 3 с

2. Наққошлик асослари – 8 с

- 2.1. Дастурхон учун нақш чизиш- 2 с
- 2.2. Ўйинчоқ уйчани тайёрлаш учун безаш учун нақшлар чизиш- 2 с
- 2.3. Дарахтлар ва ўсимликлар баргларида тасвирлар ишлаш 2 с
- 2.4. Турли буюмлар безаш учун оддий нақшлар чизиш- 2 с

II. Умумий технология асослари – 17 с

1. Материалларнинг хусусиятлари – 1 с
2. Асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва уларни ишлатишда хавфсизлик қоидалари- 2с
3. Асосий иш усуллари ўзлаштириш машқлари – 2 с
4. Амалий мустақил ишлар – 12 с

3-синф.

I. Умумий ва бадиий меҳнат (17 соат)

1. Расм, эскиз ва жадваллар чизиш- 4 с

- 1.1. Маҳсулотлар ва буюмлар тайёрлаш учун хом ашёлар билан танишиш ҳамда тайёрлаш жараёнларини ўрганиш мақсадида расмлар чизиш- 2 с
- 1.2. Алоҳида меҳнат турлари учун асбоблар расмини чизиш- 1 с
- 1.3. Айрим касблар маҳсулотлари учун эскизлар чизиш- 1 с

2. Дизайн асослари – 8 с

- 2.1. Текис геометрик шаклларни бир-бирига нисбатан катта-кичиклиги ва шаклан бўйича ўхшашлик қоидалари – 4с
- 2.2. Турли материаллардан гул ясаш – 4 с

3.Наққошлик асослари – 5 с

- 3.1. Сопол буюмларнинг безак нақларини ўзига қараб ишлаш-1с
- 3.2. Каштачилик нақшларини ўзига қараб чизиш-1с
- 3.3. Қоғоз ва картондан ясалган ўйинчоқларни нақшлар билан безаш – 1с
- 3.4. Аппликация ва мозаика ишлари – 2с

II.Умумий технология асослари – 12 с

1. Миллий ҳунармандчилик касбларига оид материаллар билан таништириш – 1с
2. Миллий ҳунармандчилик касбларида бажариладиган иш услублари – 1 с
3. Миллий ҳунармандчилик касбларига тегишли иқтисодиёт ҳуқуқ ва экология масалалари – 1с
4. Амалий мустақил ишлар – 14 с

4-синф

I.Умумий ва бадиий меҳнат (17 соат)

1. Расм, эскиз ва жадваллар чизиш- 4 с

- 1.1. Ёғочдан буюмлар тайёрлаш жараёнларини кетма-кетлиги ҳақида жадвал, расмлар ва эскизлар чизиш- 2 с
- 1.2. Озиқ-овқат тайёрлаш жараёнларининг босқичлари ҳақида технологик жадваллар ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари учун эскизлар чизиш- 2 с

2. Дизайн асослари – 8 с

- 2.1. Турли шаклларнинг бир-бирига нисбатан ўлчами, ранги ва безаклари бўйича мутаносиблиги – 2 с
- 2.2. Турли шаклларнинг сонига ва ўзаро жойлашувига боғлиқ мутаносиблик қоидалари – 2 с.
- 2.3. Турли материаллардан ўйинчоқлар лойиҳалаш – 4 с

3. Наққошлик асослари – 5 с

- 3.1. Заргарлик буюмларидаги нақшларини ўзига қараб чизиш-1с

3.2. Гидамдўзлик нақшларини ўзига қараб ва ижодий равишда чизиш- 2 с

3.3. Сандиксозлик, бешиксозлик, кулолчилик ва бошқа касблар-да наққошлик, фойдаланиш усуллари – 2 с

II. Умумий технология асослари – 17 с

1. Турли касбларда материаллар билан ишлаш – 2 с

2. Пазандалик ва қандолатчилик – 2 с

3. Уй-рўзғор меҳнати- 2 с

4. Меҳнат таълимида компьютердан фойдаланиш – 1 с

5. Амалий мустақил ишлар – 10 с

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 1999 йил 4 ва 7-махсус сонлар.

2. «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1997 йил 31 март.

3. С. Булатов. «Ўзбекистон халқ амалий безак санъати». Тошкент 1992 йил.

4. Х.Эгамова. Ўзингиз қирқинг ва ясанг.

Тест саволлари.

1. 1-синфларда меҳнат таълими дарси йил давомида неча соат ўқитилади?

а) 32 соат б) 33 соат с) 34 соат д) 36 соат

2. ДТС га асосан 1-4 синфларда меҳнат таълими фани неча соат ўқитилади?

а) 135 соат б) 136 соат с) 137 соат д) 138 соат

3. 1-4 синфлардаги меҳнат таълими фани қайси ўқув курсларни ўз ичига олади?

а) умумий ва бадиий меҳнатни

б) умумий технология асосларини

с) умумий касб-корликни асосларини

д) а ва б жавоблар тўғри

4. Бадиий меҳнат билан боғлиқ касбларга қайси касблар киради?

- а) ўймакорлик б) заргарлик с) кулолчилик
д) ҳамма жавоблар тўғри
5. Дизайн асослари қайси ўқув курсининг таркибига киради?
а) умумий касб-корликни асосларини.
б) умумий технология асослари
с) умумий ва бадиий меҳнатни. д) тўғри жавоб йўқ
6. Дизайн асослари қайси синфларда ва неча соатдан ўқитилади?
а) 1- 2 синфларда 8 соатдан б) 3-4 синфларда 8-соатдан
с) 2-3 синфларда 10 соатдан д) 1-4 синфларда 6- соатдан
7. «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қачон қабул қилинган?
а) 1997 йил 21 январда б) 1997 йил 14 февралда
с) 1997 йил 31 мартда д) 1997 йил 15 мартда
8. Меҳнат таълимини ташкил қилишнинг асосий формаси:
а) дарс б) амалий машғулот.
с) назарий билим бериш. д) йўриқнома бериш.

МУНДАРИЖА.

1.	Меҳнат таълими дарсларида машинашунослик элементларини уйғунлаштириб ўтиш методикаси.....	5.
2.	Меҳнат таълими дарсларида электротехник ишлар ҳамда таъмирлаш асосларини ўтиш методикаси.....	11
3.	Меҳнат таълими машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишда риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидаларини ўргатиш методикаси.....	20

4.	Меҳнат таълими машғулотларида чизмалар ва график тасвирлардан фойдаланиш.....	28
5.	Меҳнат таълимидан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни олиб бориш методикаси.....	32
6.	Ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими ва уни қўллаш йўллари.....	36
7.	Сиз конституцияни биласизми? (Давра суҳбати).....	42
8.	Меҳнат ва касб таълими дарсларида ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш.....	45
9.	Бошланғич синфларда меҳнат таълими дарсларини ташкил этиш ва режалаштириш.....	50.

